БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 33 (524)

15 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

Кеча Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди очилди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев партия XX с'ездига КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

14 февральда Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди очилди. Улуғ совет давлатининг ҳамма томонларидан пойтахтга келган с'езд делегатлари эрталаб соат ўнда мажлислар залига тўпландилар. С'ездга кўп меҳмонлар — саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, давлат ва партия ходимлари, олимлар, Совет Армияси ва Флотининг вакиллари, адабиёт ва сан'ат ходимлари келганлар.

Совет халқи ўз жонажон Коммунистик партиясининг XX с'ездини сиёсий руҳ ва меҳнат активлиги гоят кучли суратда юксалган бир вазиятда кутиб олди. XIX с'ездан кейин ўтган йиллар ичида совет мамлакати халқлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида социализм қуришни тугаллаш ва социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўлида янги катта муваффақиятларга эришдилар. Бу муваффақиятлар совет кишилари қалбида ўзларининг қудратли Ватани учун, коммунизм ҳамма ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган улуғ ва доно партия учун ифтихор ҳисларини туғдирмоқда.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'золари ва Марказий Комитет секретарьлари, четэл коммунистик ва ишчи партиялар делегацияларининг раҳбарлари ложаларга кириб келганларида с'езд делегатлари ва меҳмонлар уларни гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради.

С'ездни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари **Н. С. Хрушчев** очади.

XIX с'езд блан XX с'езд ўртасида ўтган давр ичида, дейди Н. С. Хрушчев, биз Коммунистик ҳаракатнинг отоқли арбоблари — Иосиф Виссарионович Сталиндан, Климент Готвальддан ва Кюнси Токудадан жудо бўлдик. Ўринларингиздан туриб уларнинг хотирасини ҳурматлаб эсга олишни сўрайман.

Залда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўринларидан турадилар.

Шундан кейин Н. С. Хрушчев қардош Коммунистик ва ишчи партияларнинг с'ездга келган вакилларини самимий табриклайди. Ҳамма ўрнидан туради, залда гулдурос қарсаклар бошланади.

С'езд раҳбар органларни сайлашга ўтади.

Барча областьлар, ўлкалар ва республикалар делегациялари вакиллари Кенгашининг топширувига мувофиқ ўртоқ Подгорний с'езд Президиумини 39 кишидан иборат қилиб сайлашни таклиф этади.

Президиум бир овоздан сайланади.

С'ЕЗД ПРЕЗИДИУМИ

АНДРЕЕВ А. А.	КИРИЧЕНКО А. И.	ПИСИН К. Г.
БРЕЖНЕВ Л. И.	КИРИЛЕНКО А. П.	ПОНОМАРЕНКО П. К.
БУЛГАНИН Н. А.	КИСЕЛЕВ Н. В.	РАҲИМБОБОЕВА З. Р.
БУРКАЦКАЯ Г. Е.	КОЗЛОВ Ф. Р.	РОЖНЕВА М. И.
ВОРОШИЛОВ К. Е.	КОСИГИН А. Н.	САБУРОВ М. З.
ҒАФУРОВ Б.	КУУСИНЕН О. В.	СНЕЧКУС А. Ю.
ЖУКОВ Г. К.	МАЛЕНКОВ Г. М.	СУСЛОВ М. А.
ИГНАТОВ Н. Г.	МЖАВАНАДЗЕ В. П.	ФУРЦЕВА Е. А.
КАГАНОВИЧ Л. М.	МИКОЯН А. И.	ХВОРОСТУХИН А. И.
КАЛНБЕРЗИН Я. З.	МОЛОТОВ В. М.	ХРУШЧЕВ Н. С.
КАЛЬЧЕНКО Н. Т.	МУҲИДДИНОВ Н. А.	ШВЕРНИК Н. М.
КАПИТОНОВ И. В.	ПАТОЛИЧЕВ Н. С.	ШЕПИЛОВ Д. Т.
КЭБИН И. Г.	ПЕРВУХИН М. Г.	ЯСНОВ М. А.

Ўртоқ Фурцевага сўз берилади. У, делегациялар вакиллари Кенгашининг топширувига мувофиқ с'езд Секретариатини 15 кишидан иборат сайлашни таклиф этади. С'езд секретариатни бир овоздан сайлайди.

С'ЕЗД СЕКРЕТАРИАТИ

БЕЛЯЕВ Н. И.	ИВАШЧЕНКО О. И.	СТАХУРСКИЙ М. М.
БОЙЦОВ И. П.	ЛАПТЕВ Н. В.	СТРУЕВ А. И.
ДАНИЯЛОВ А. Д.	МОСКАТОВ П. Г.	СУСЛОВ В. М.
ЕФРЕМОВ М. Т.	ПЕГОВ Н. М.	ЧУРАЕВ В. М.
ЕНЮТИН Г. В.	СЕРДЮК З. Т.	ЯКОВЛЕВ И. Д.

С'езднинг Редакцион комиссияси 11 кишидан иборат қилиб бир овоздан сайланади. Редакцион комиссия состави ҳақида ўртоқ Сердюк таклиф киритди.

С'ЕЗДНИНГ РЕДАКЦИОН КОМИССИЯСИ

ПОСПЕЛОВ П. Н.	КОНСТАНТИНОВ Ф. В.	МУСТАФАЕВ И. Д.
ЕФРЕМОВ Л. Н.	ЛАЦИС В. Т.	НАЗАРЕНКО И. Д.
ОРГАНОВ Н. Н.	ТИТОВ Ф. Е.	ШЕЛЕПИН А. Н.
ПОПОВА Н. В.	САТЮКОВ П. А.	

Сўнгра ўртоқ Снечкуснинг таклифига биноан с'езднинг Мандат комиссияси 23 кишидан иборат қилиб сайланади.

С'ЕЗДНИНГ МАНДАТ КОМИССИЯСИ

АРИСТОВ А. Б.	ЗАМЧЕВСКИЙ И. К.	ПОДГОРНИЙ Н. В.
АВХИМОВИЧ Н. Е.	ИГНАТЬЕВ С. Д.	ПОЛЯНСКИЙ Д. С.
БАБАЕВ С.	КОМАРОВ П. Т.	РАШИДОВ Ш.
ГАЕВОЙ А. И.	КОРОТЧЕНКО Д. С.	РАЗЗОҚОВ И. Р.
ГРОМОВ Е. И.	КУНАЕВ Д. А.	ТОВМАСЯН С. А.
ДЕНИСОВ Г. А.	ЛАРИОНОВ А. Н.	ШТИКОВ Т. Ф.
ДОРОНИН П. И.	ЛУБЕННИКОВ Л. И.	ШКОЛЬНИКОВ А. М.
ЖЕГАЛИН И. К.	МУРАТОВ З. И.	

КПСС XX с'езднинг кун тартиби тасдиқланади.

КПСС XX С'ЕЗДНИНГ КУН ТАРТИБИ

1. КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади — докладчи Марказий Комитет Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев.
2. КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот доклади — докладчи Ревизия Комиссиясининг Раиси ўртоқ П. Г. Москатов.
3. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'езднинг Директивалари — докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганин.
4. Партиянинг марказий органларини сайлаш.

Сўнгра мажлисда раислик қилучи ўртоқ **Н. А. Булганин** Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ **Н. С. Хрушчевга** сўз берди. Делегатлар Н. С. Хрушчевни гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради.

Эрталабки ва кечки мажлисда давом қилган доклад гоят зўр э'тибор блан тингланди ва залдагилар томонидан қизғин ма'қулланди. (ТАСС).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади

Ўртоқлар!

Партия XIX с'ездидан буён ўтган давр — уч йилу тўрт ой — вақт жиҳатидан унча катта давр эмас. Лекин партия томонидан қилинган ишларнинг ҳажми жиҳатидан, шу давр ичида мамлакатимизда ва унинг ташқарисида юз берган воқиаларнинг аҳамияти жиҳатидан бу давр Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихида, партиямизнинг Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун, коммунистик жамият қуриш учун, бутун дун'ёда тинчлик учун олиб борган кураши тарихида муҳим даврлардан биридир.

Ички сиёсат соҳасида бу йиллар шундай йиллар бўлдики, бу вақт ичида партия умумхалқ манфаатларига асосланиб, қишлоқ хўжалиги, саноатдаги аҳволга танқидий нуқтаий назардан баҳо бериб, бирқанча жиддий тадбирларни кўрди, бундан мақсад эришилган муваффақиятларга таяниб, мамлакатимизни социалистик асосда ривожлантиришда янада олға қараб катта қадам қўйиш эди. Шу блан бирга, партия хўжалик, давлат ва партия фаолиятининг турли соҳаларидаги камчиликларни далил очиб ташлади, эскирган тасаввурларни емириб, олға қараб ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилучи умри тугаган ҳамма нарсаларни қат'ият блан супуриб ташлади.

Партиянинг кўрган тадбирлари ўз вақтида кўрилган тўғри тадбирлар эканлиги ҳозир ҳаммага равшан. Бу тадбирлар социалистик экономиканинг тўхтовсиз ўсиб боришини, совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг янада юксалишини та'минлади.

Ҳисобот даврида ташқи сиёсат соҳасида ҳам муҳим воқиалар юз берди. Халқаро муносабатларда катта хавф-хатарларга тўла бўлган кескинлик социалистик лагерь мамлакатларининг изчиллик блан олиб борган тинчликсевар ташқи сиёсати туфайли бирмунча юмшади. Совет Иттифоқи ўзининг дўстлари — Хитой Халқ Республикаси ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари блан бирликда ташқи сиёсат соҳасида бирқанча тадбирларни ўз вақтида изчил равишда амалга оширгани ва бу тадбирларни тинчликсевар барча кучлар қўллаб-қувватлаганлиги учун ҳам халқаро майдонда яхшиликка томон реал перспективалар очилди.

Ана шуларнинг ҳаммаси бизнинг партиямиз ички сиёсат соҳасида ҳам, ташқи сиёсат соҳасида ҳам етилган эҳтиёжларни тўғри назарга олаётганлигини ва бу эҳтиёжларга мувофиқ келадиган чораларни ўз вақтида ишлаб чиқаётганлигини кўрсатади. Партиямизнинг халқ блан мустаҳкам ва чамбарчас боғланганлиги, партиямиз ленинча коллектив раҳбарлигининг ҳонолиги, партиямиз ўз фаолиятида асосланиб келаётган маркса-ленинча та'лимотнинг ғолиб кучи ана шунда яққол намоён бўлмоқда. Бутун ана шу йиллар давомида партиямиз ўлмас Ленининнинг улуғ байроғини баланд кўтариб келди. Партиямиз эришган ҳамма муваффақиятларнинг манбаи унинг ленинизмга содиқлигидадир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мамлакатимизнинг ҳисобот давридаги халқаро ва ички аҳволини қараб чиқайлик.

I.

Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи

Давримизнинг энг асосий хусусияти шуки, бу даврда социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди. Капитализм бу жаҳоншумул-тарихий процессга халақит беришга ожизлик қилиб қолди. Бир-бирига қарама-қарши бўлган икки жаҳон иқтисодий системасининг — бошқа-бошқа қонунлар блан ва қарама-қарши томонларга қараб ривожланаётган капиталистик система блан социалистик системанинг бир вақтда яшаши шубҳасиз факт бўлиб қолди.

Социалистик экономика жамиятимиз барча а'золарининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондириш, ишлабчиқаришни юқори техника базасида узлуксиз кенгайтириш ва такомиллаштириш, социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни мустаҳкамлаш томонига қараб ривожланмоқда.

Капиталистик экономика монополияларнинг тобора кўпроқ бойиши, эксплуатациянинг янада кучайиши ҳамда миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг, айниқса мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг турмуш даражаси янада пасайиши томонига, хўжаликни тобора кўпроқ ҳарбийлаштириш, капиталистик давлатлар орасидаги конкурентлик курашининг кескинлашуви, янги иқтисодий кризислар ва ларзаларнинг етилуви томонига қараб бормоқда.

1. СССРда ва халқ демократияси мамлакатларида экономиканинг тўхтовсиз юксалиб бориши

Ҳисобот даври СССРда, шунингдек Хитой Халқ Республикасида, Польша Халқ Республикасида, Чехословакия Республикасида, Венгрия Халқ Республикасида, Руминия Халқ Республикасида, Болгария Халқ Республикасида, Албания Халқ Республикасида, Германия Демократик Республикасида, Корея Халқ-Демократик Республикасида, Мўғулистон Халқ Республикасида ва Вьетнам Демократик Республикасида кучли юксалиш даври бўлди.

Совет Иттифоқида ва капиталистик мамлакатларда 1929—1955 йиллар мобайнида саноат ишлабчиқаришининг ўсиш сур'атлари қуйидаги таблицадан кўриниб турибди:

СССРда ва капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулотининг ҳажми

(1929 йилга нисбатан процент ҳисобида)

	1929 йил	1937 йил	1943 йил	1946 йил	1949 йил	1950 йил	1952 йил	1955 йил
СССР	100	429	573	466	870	1.082	1.421	2.049
Барча капиталистик мамлакатлар	100	104	...	107	130	148	164	193
Шу жумладан:								
АҚШ	100	103	215	153	164	190	210	234
Англия	100	124	ма'лумот а'лон қилинмаган	118	144	153	153	181
Франция	100	82		63	92	92	108	125
Италия	100	99		72	108	124	148	194
Ғарбий Германия	100	114		35	93	117	150	213
Япония	100	169	231*)	51	101	115	173	239

Шу ма'лумотлардан кўриниб турибдики, чорак аср давомида, ёки аниқроқ қилиб айтганда, 26 йил ичида Совет Иттифоқи, уруш унинг халқ хўжалигига гоят катта зарар етказганига қарамай, саноат ишлабчиқаришини 20 баравардан ошиқроқ кўпайтирган, қолбуки, жуда қулай шароитда бўлган Америка Қўшма Штатлари шу вақт ичида ишлабчиқаришни атиги икки мартадан сал ошиқроқ юксалтираолган, капиталистик дун'ёнинг бутун саноати эса лоақал шу даражага ҳам ўсиб бормаган.

Халқ демократияси мамлакатлари ҳам саноат ишлабчиқаришининг ўсиш сур'атлари жиҳатидан капиталистик давлатлардан анча ўтиб кетдилар. Саноат ишлабчиқаришининг урушдан илгариги даражаси 1955 йилда Польшада тўрт мартадан кўпроқ, Болгарияда беш мартадан кўпроқ, Чехословакияда икки мартадан ошиқроқ. Венгрияда уч ярим марта, Руминияда қарийб уч марта, Албанияда 11 мартадан кўпроқ, Германия Демократик Республикасида икки мартадан кўпроқ ошиб кетди.

Социализм қуришга бошқа мамлакатлардан кейинроқ киришган Хитой Халқ Республикаси гоят катта муваффақиятларга эришди: унинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши урушдан бурунги максимал даражага нисбатан икки мартадан кўпроқ. 1949 йилга нисбатан эса тўрт мартадан ошиқроқ кўпайди.

Югославияда ҳам социалистик қурилиш соҳасида эришилган ютуқлар озмунча эмас. Унинг саноат ишлабчиқариши 1955 йилда урушдан илгариги даражадан 2,8 марта ўтиб кетди.

Социализм таянаётган саноат базаси тобора кучлироқ бўлиб бормоқда. Социализм мамлакатлари саноат ишлабчиқаришининг жаҳон саноат маҳсулотидаги салмоғи тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Капиталистик эксплуатация майдонининг, капитализм жаҳон позицияларининг қисқариб бораётганлиги ва социализм жаҳон позицияларининг кенгайиб бораётганлиги каби прогрессив тарихий процесс ана шу фактда ўзининг моддий ифоласини топмоқда.

Социализмнинг капитализм блан иқтисодий мусобақасида эришилган янгилан-янги муваффақиятларининг гарови саноат ишлабчиқариши тараққиётининг юқори сур'атларидадир. СССР саноат маҳсулотининг умумий ҳажми жиҳатидан ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳонда иккинчи ўринни ишғол қилади. Чўян, пўлат, алюминий, мис ишлаб чиқаришнинг ҳажми, машинасозлик маҳсулоти, электр қуввати, цемент, кўмир чиқариш ҳажми жиҳатидан Совет Иттифоқи Франция, Ғарбий Германия, Англиядан аллақачонлар ўтиб кетди ва Америка Қўшма Штатларини далиллик блан қувиб етмоқда.

СССР ва социализм лагеридаги барча мамлакатлар экономикасининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, бу экономика ҳартомонлама ривожланмоқда ва умумий равишда тинчлик йўлидан бормоқда. Социализм мамлакатлари бутун ижтимоий ишлабчиқаришни узлуксиз кенгайтиришнинг негизи бўлган оғир индустрияни биринчи галда ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу блан бирга, бу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ва енгил саноатни юксалтиришга ҳам катта э'тибор берилмоқда. Меҳнаткашларнинг турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланмоқда, маданияти гуллаб-яшнамоқда.

Халқларимизнинг истиқболида очилаётган перспективалар янада улуғвордир. СССРда атом энергияси ҳамда ҳозирги замон фан ва техникасининг бошқа ютуқлари одамга кенг миқ'ёсда хизмат қилдириладиган вақт узоқ эмас, ерости бойликларидан фойдаланиш янада тўлароқ йўлга қўйилади, катта-катта дар'ёлар жиловланади, катта-катта янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Бу эса маҳсулотларнинг ва халқ иste'моли буюмларининг мўл-кўл қилиб етиштирилишини та'минлайди. Тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида улуғ Хитой индустриал мамлакатга айланишига, унинг қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши кооперативлаштириш асосида юксак даражага кўтарилишига биз аминмиз. Ҳамма халқ демократияси давлатларининг социализм йўлидан олға қараб анча силжиб кетишига аминмиз.

Социализм мамлакатлари тараққиётининг характерли хусусияти шуки, бу мамлакатлар сиёсатда ҳам, экономикада ҳам батамом мустақиллик блан иш кўрмоқдалар. Ўтган даврнинг энг муҳим яқуни яна шундан ҳам иборатки, социалистик давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар янада мустаҳкамланди ва улар ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайди. Социализм мамлакатлари ўртасида тенг ҳуқуқлилик асосида уларнинг бир-бирларига фойда келтирадиган савдо муносабатлари қарор топди, улар орасида техника тажрибаси ўртоқлашилмоқда, улар бир-бирларига ҳартарафлама ёрдам кўрсатиб, халқ хўжалик планларини амалий равишда координациялаштирмоқдалар.

Мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик ишлабчиқариш ва хомаш'ё ресурсларидан энг яхши фойдаланиш учун гоят катта имкониятлар очиб берди ҳамда ҳаҳбир мамлакатнинг манфаатларини бутун социалистик лагерь манфаатлари блан жуда яхши мослаб қўшди. Шу блан бирга, ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг ривожланиши жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда ҳаҳбир социалистик мамлакатнинг оғир индустриясининг ҳамма тармоқларини албатта ривожлантиришига эҳтиёж йўқ. Совет Иттифоқи бир вақтлар шундай қилган эди, чунки Совет Иттифоқи узоқ вақтгача капиталистик қуршовда бўлган бирлан-бир социализм мамлакати эди. Ҳозирги вақтда, социалистик мамлакатларнинг қудратли ҳамкорлиги ҳамда бу мамлакатларнинг мудофаа қобилияти ва ҳавфсизлиги бутун социалистик лагерьнинг индустриал қувватига суянаётган бир чоқда, Европадаги халқ демократияси мамлакатларининг ҳарбири ўзидаги мавжуд қулай табиий ва хўжалик шарт-шароитлари имкон берадиган индустрия тармоқларини ривожлантириш ва маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун ихтисосланиши мумкин. Бу ҳол шу блан бирга қишлоқ хўжалиги ва енгил саноатни ривожлантириш учун анчагина маблағни бўшатиб олиш ва шу асосда халқларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш учун зарур шарт-шароитларни туғдириб беради.

Социализм мамлакатлари қардошларча ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаб, иқтисодий ривожланиш йўлида бир-бирларига беғараз ёрдамлашмоқдалар. Социализм мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар капиталистик дун'ёдаги муносабатлардан тўблан фарқ қилади. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи ўзаро тузилган шартномаларга мувофиқ, халқ демократияси мамлакатларига 391 корхона ҳамда 90 дан ошиқ айрим цех ва установкалар қуришда ёрдам бермоқда. Биз халқ демократияси мамлакатларига жуда қулай шартлар блан 21 миллиард сўмдан иборат узоқ муддатли кредитлар бердик. Совет Иттифоқи дўст давлатларга ҳам ишлабчиқаришни йўлга қўйиш ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда ёрдам бермоқда.

Хитойнинг социалистик индустриялаш ишида эришган муваффақиятларини биз гоят хурсандлик блан қайд қилиб ўтамиз. Юқори даражада индустриялашган давлатнинг ўз ихтиёри блан бошқа мамлакатларнинг индустриялаш ишига ёрдам бериши каби мисолларни тарих ҳозиргача билган эмас. Аксинча, бир вақтлар капиталистик дун'ёда юқори даражада тараққий қилган кичик бир группа мамлакатлар бошқа давлатларнинг, айниқса мустамлака ёки ярим мустамлака давлатларнинг индустриялаштиришига доимо халақит бериб келган эдилар. Шунинг орқасида Осиё, Жанубий Америка ва Африканинг жуда кўп мамлакатлари ўзининг йирик саноатига эга бўлолмади. Бундай мақсадларга ёт бўлган Совет Иттифоқи қардош хитой халқига ўзининг қудратли индустриясини вужудга келтиришда ёрдам бериш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Мамлакатимиз Хитой Халқ Республикасига фақат бир бешйиллик мобайнида 156 корхона ва 21 айрим цех қуришга ёрдам бермоқда, бу корхона ва цехларни қуриш учун биз томондан берилаётган асбоб-ускуна 5 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағни ташкил этади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

*) Бу ма'лумотлар 1944 йилга оид.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XX с‘ездига ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқи бу нарсалар ўрнига Хитойдан ва бошқа халқ демократияси мамлакатларидан мамлакатимиз учун керакли буюмлар, материаллар ва халқ иste'моли товарлари олмоқда, шу буюм ва товарлар мазкур мамлакатлардан олатда экспорт қилинадиган товарлардир.

Биз бундан буён ҳам экономика, техника, фан ва маданиятни ривожлантиришда бир-биримизга ҳартомонлама ёрдам кўрсатамиз. Социализм лагери олдидаги қардошлик бурчимизни ана шундан иборат деб биламиз. Социализм лагери қанча кучли бўлаборса, бу улуғ лагерьдаги ҳарбир мамлакатнинг озодлиги ва мустақиллиги шу қадар мустаҳкамроқ бўлади, унинг хўжалиги ва маданияти гуллаб-яшнайди.

Социалистик система кризисларсиз ва ларзаларсиз голибона суратда олға қараб бормоқда. Социалистик система капиталистик системадан қат'ий суратда устунлигини намойиш қилиб, социализм мамлакатларидаги халқларга ғоят катта бахт-саодат келтирмоқда. (Давомли қарсаклар).

2. Капитализм мамлакатларидаги иқтисодий аҳвол ва капиталистик система зиддиятларининг янада кескинлашуви

Юқорида келтирилган таблицадан кўриниб турипти ки, бутун капиталистик дун'ёнинг саноат ишлабчиқариши 1955 йилда 1929 йилги даражадан 93 процент ошган.

Хўш, бу нарса капитализмнинг ўз ички зиддиятларини бартараф қилаолганлигини ва барқарорликка эришаолганлигини кўрсатадими? Йўқ, буни кўрсатмайди. Жаҳон капитализмининг экономикаси жуда нотекис ривожланмоқда ва яна ҳам беқарорроқ бўлиб қолди.

Капитализмнинг Англия ва Франция сингари энг кекса мамлакатларида саноат урушдан кейинги ўн йил мобайнида ишлабчиқариш ҳажмини кўпайтирди, броқ бу ўсиш секинлик ва зиддият блан бормоқда. Ғарбий Германия ва Италия сингари енгилган мамлакатларда ишлабчиқаришнинг урушдан олдинги даражасига фақат 1949—50 йилларда етиб олинди. Японияннг саноат ишлабчиқариши эса таҳминан 1944 йилги даражада турипти. Асосий капиталистик мамлакат бўлган АҚШда ишлабчиқаришнинг анчагина камайиш ҳолати урушдан кейинги даврда уч марта рўй берди, бунинг устига 1948 йил охирига келиб АҚШда жиддий иқтисодий кризис ривожлана бошлади, аммо Кореяда уруш бошланганлиги сабабли зўр бериб қуролланиш кучайиб кетганлиги учун бу иқтисодий кризис тўхталиб қолди.

Капиталистик давлатларнинг кўпчилигида саноат ишлабчиқаришининг беқарорлигига молия аҳволининг беқарорлиги, қоғоз пулларни жуда кўплаб чиқариш ва валюталарнинг қадрсизланиши ҳам қўшилмоқда. Бунга бирқанча мамлакатлардаги аграр кризиси, шунингдек кейинги йилларда капиталистик бозорда жаҳон савдосида рўй бераётган турғунликни ҳам қўшиш керак.

Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашиб бормоқда. Капитализмнинг ҳал бўлмайдиган зиддияти — ҳозирги замон ишлабчиқаручи кучлари блан капиталистик ишлабчиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият — янада кўпроқ кескинлашди. Ҳозирги замон техникасининг тез ривожланиб бораётганлиги бу зиддиятни рад қилмайди, балки тасдиқлайди, холос.

Шуни айтиш керакки, капитализмнинг умумий кризиси ишлабчиқаришдаги ва техника тараққиётидаги тўла турғунликдир, унинг тўхталиб қолишидир деган тасаввур марксчи-ленинчиларга ҳамиша ёт тасаввур бўлиб келган. В. И. Ленин, капитализм чириб боришининг умумий тенденцияси у ёки бу даврда техника тараққиётини ва ишлабчиқаришнинг юксалишини мустасно қилмайди деб кўрсатиб ўтган эди. «Капитализмнинг бундай чириш томонига қараб бориши,— деб ёзган эди Ленин,— капитализмнинг тез ўсишига йўл қўймайди деб ўйлаш хато бўларди; йўқ, империализм замонида саноатнинг айрим тармоқлари, буржуазиянинг айрим табақалари, айрим мамлакатларнинг ба'зилари гоҳо бу томонга, гоҳо яна у томонга ба'зида кучли ва ба'зида кучсизроқ мойиллик кўрсатадилар» (Асарлар, 22 том, 332-бет). Шу сабабли биз капитализм экономикасини диққат блан кузатиб боришимиз, империализмнинг чириб бориши тўғрисидаги ленинча қоидани бачканаластирмасдан, балки жаҳон техника тараққиётининг муваффақиятларидан социализм манфаатлари йўлида фойдаланмоқ учун капиталистик мамлакатларда фан ва техника бераётган энг яхши натижаларнинг ҳаммасини ўрганиб боришимиз керак.

Капиталистик мамлакатларда ишлабчиқаришнинг кўздан кечирилаётган даврдаги ўсишига келганда, бу ўсиш соғлом иқтисодий асосда борди деб айтиб бўлмайди. Бу ўсиш қуйидаги асосий факторларнинг та'сири туфайли рўй берди.

Биринчидан, экономика ҳарбийлаштирилаберди ва зўр бериб қуролланиш давом этди. Саноатнинг ҳамма тармоқлари ҳам юксалди деб бўлмайди. Iste'мол буюмлари ишлаб чиқаручи саноат жуда кейинда қолмоқда, унинг ба'зи тармоқлари эса турғинликда қолмоқда. Қурол-яроғлар ишлаб чиқариш блан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган тармоқларгина ўсмоқда. Беш йил мобайнида — 1950 йилдан 1954 йилга қадар — ҳарбий заказларни тўламоқ учун давлат томонидан қилинган харажатлар АҚШда тўрт баравар, Англияда тўрт баравардан зиёдроқ, Францияда уч баравар кўпайди. Равшандирки, ҳарбий маҳсулот чиқаришнинг одатдан ташқари тез сур'атлар блан кўпайтирилганлиги шу мамлакатлардаги саноат ишлаб чиқаришининг умумий даражасига та'сир қилди.

Иккинчидан, асосий капиталистик давлатларнинг ташқи иқтисодий экспансияси кучайганлиги ишлабчиқаришнинг ўсишига ёрдам берди. Жаҳон капиталистик бозорида АҚШ, қисман Англия ва Франция сингари мамлакатлар учун вақтинча қулай вазият вужудга келди. Германия, Япония ва Италия рақобатчи мамлакатлар қаторидан бирнеча йил чиқиб қолдилар. Ғарбий Европа мамлакатларида урушдан кейинги вайронлик озиқ-овқатга ва биринчи даражада зарур бўладиган бошқа буюмларга катта эҳтиёж туғдирди. АҚШ «Маршалл плани»ни ва бошқа воситаларни ишга солиб, бундан энг кўп даражада фойдаланди.

Учинчидан, асосий капиталнинг янгиланганлиги катта роль ўйнади. Европадаги капиталистик мамлакатларда ўттизинчи йиллардаги кризислар ва депрессия сабабли, сўнгра эса уруш сабабли асосий ишлабчиқариш ускуналари ҳақиқатда 15—20 йил давомида янгиланмаган эди. Уруш йилларида жуда сийқаси чиққан ва вайрон бўлган асосий капитални янгилаш бу мамлакатларда фақат 1951—1954 йилларгагина чинакам авж олиб кетди. Бу нарса ускуналар ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга имкон берди.

Ниҳоят, тўртинчидан, капитализм мамлакатлари ишчилар синфини эксплуатация қилишни кескин даражада кучайтириш ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини пасайтириш ҳисобига ўзларининг саноат ишлабчиқаришларини юксалтираолдилар. Кейинги тўрт йил мобайнида асосий капиталистик мамлакатлар саноатида ўрта ҳисоб блан ҳарбир ишчининг йил бўйи ишлаб чиқараётган маҳсулоти 10—25 процент кўпайди. Броқ, бирқанча капиталистик мамлакатларда товарларнинг нархлари жуда ошиб кетганлиги, квартира ҳақи ва бошқа харажатлар ошиб кетганлиги сабабли реал иш ҳақи урушдан олдинги даражадан пасайиб кетди.

Бунда зўр бериб қуролланиш натижасида меҳнаткашлар устига тушган оғир юкни ҳисобга олиш керак. Аҳоли жонбошига ҳисоблаганда ҳарбий харажатлар АҚШда 1913/14 бюджет йилида 3,5 долларни, 1929/30 бюджет йилида 7 долларни ташкил қилган бўлса, 1954—55 бюджет йилида 250 долларни ташкил қилди, я'ни шу давр ичида 70 баравардан зиёдроқ кўпайди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Англиядаги ҳарбий харажатлар 1913/14 бюджет йилидаги 1,7 фунт стерлингдан 1929/30 бюджет йилида 2,5 фунт стерлингга ва 1954—55 бюджет йилида 29,3 фунт стерлингга етди. Бу жуда катта харажатлар бевосита ва бавосита солиқларни тўхтовсиз кўпайтириш йўли блан қопланмоқда.

Ишсизлик меҳнаткашларнинг аҳволига кучли тазйиқ кўрсатмоқда. 1955 йилда, буржуа экономистлари мақтаб кўкка кўтарган «барқарор юксалиш» деб аталган даврда АҚШда расмий ма'лумотларга кўра, бутунлай ишсиз кишилар қарийб 3 миллионга етган ва қисман ишсиз кишилар 9 миллиондан ошиб кетган. Расмий ма'лумотларга қараганда, 1955 йилда Германия федерал республикасида бир миллионга яқин бутунлай ишсиз кишилар бўлган. Урушдан кейинги даврда ишсизлик айниқса оммавий ва доимий тус олган Италияда 1955 йилда бутунлай ишсиз кишилар 2 миллион кишига ва қисман ишсиз кишилар ҳам шу миқдорга етган. Расмий ма'лумотларга кўра, Японияда 1954 йилда бутунлай ишсиз кишилар 600 минг кишига ва қисман ишсиз кишилар қарийб 9 миллионга етган.

Урушдан кейинги даврда капиталистик ишлабчиқаришнинг юксалишида алоҳида роль ўйнаган факторлар мана шулардир. Ҳозирги вақтда капиталистик дун'ё шундай чекка яқинлашмоқдаки, бунда бирқанча вақтинча факторларнинг рағбатлантиручи та'сири тугаб қолади. Бу факторларнинг ба'зилари, масалан асосий капиталнинг оммавий равишда янгиланиши ва тащқи бозорлардаги қулай вазият фақат оғир ва узоқ давом қилган урушдан кейин бевосита вужудга келган давр учунгина характерли бўлган эди. Бошқа факторлар ишлабчиқаришни умуман вақтинча ўстиришгагина қодирдир. Капиталистик экономиканинг ўтмишда ишлабчиқаришни юксалтиришига асос бўлган ички кучлари ўз та'сирини тобора заифлаштирмоқда. Эндиликда капитализм ишлабчиқаришни юксалтирмоқ учун сун'ий факторларга тобора кўпроқ муҳтож бўлаверади.

Ғарблаги ба'зи доираларда ҳозирги кон'юнктурага асосланиб, капитализмнинг «яшнаши» тўғрисидаги гаплар яна такрорлана бошлади. Марксизмнинг кризислар тўғрисидаги назарияси «эскириб қолди» деб исбот қилишга уринмоқдалар. Буржуа экономистлари рўй берган кризис ҳолларининг чуқур иқтисодий кризисга айланишини капитализм учун вақтинча қулай вазиятлар вужудга келганлигинга тўхтатиб қўйганлиги ҳақида оғиз очмаётирлар. Зимдан бўлаётган кризис ҳоллари ҳатто ҳозир ҳам, кон'юнктура жонланган даврда ҳам кўриниб турипти. Ишлабчиқариш иш блан кўпгина та'минланмаган, АҚШда товар запаслари, шунингдек iste'мол кредитлари хатарли даражада кўпайиб кетди.

Бирқанча капиталистик мамлакатларда касод бўлиб қолаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жуда кўп тўпланиб қолганлиги аҳволни чуқурлаштирмоқда. Ҳукуматлар, айниқса АҚШда, ҳарқандай чоралар кўриб экин экишни камайтиришга, олинадиган ҳосилни камайтиришга уринмоқдалар. Шарқи-Жанубий Осиёнинг, Африканинг жуда кенг районларида миллион-миллион кишилар оч-ялангоч бўлиб турган, ҳаттоки, метрополияларнинг ўзида ҳам қорни нонга тўймайдиган кишилар жуда кўпайиб кетган бир вақтда шундай қилинмоқда. Ишлабчиқариш ўсиб бораётганлигидан, техника бирмунча тараққий қилаётганлигидан, меҳнатни интенсификациялаш тез сур'атлар блан ўсиб бораётганлигидан, ички бозор эса кенгайиш ўёқда турсин, ҳатто, аксинча, нисбатан қисқариб бораётганлигидан, мана шуларнинг ҳаммасидан капиталистик мамлакатларда муқаррар янги иқтисодий кризислар ва ларзалар пайдо бўлади.

Капиталистлар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилучи олимлар, қурол-яроғлар ишлаб чиқаришни тўхтовсиз кенгайтириш блан иқтисодий кризислардан қутилиб қолиш мумкин деган «назарияни» тарқатмоқдалар. Марксизм-ленинизм фанининг намояндалари, бу нарса қуруқ ҳаёл эканлигини неча марталаб кўрсатиб берган эдилар. Зўр бериб қуролланиш оғриқни даволамайди, балки ичдан маддалатдиради. Экономикани ҳарбийлаштириш қанчалик кенгайтирилса, капитализм учун унинг оқибатлари шунчалик оғир бўлади.

Капиталистик доираларнинг намояндалари хўжаликни давлат воситаси блан тартибга солишга алоҳида умид боғламоқдалар. Монополистик капитал ўз вакилларини давлат органларига юбориб ва мамлакат хўжалигини монополиялар нинг манфаатларини кўзлаб «тартибга солишга» давлатни мажбур қилиб, шу тарика давлат органларини ўзига бевосита бўйсундирмоқда. Давлат органлари корпорацияларга миллиард-миллиард заказлар бериб, улар учун имтиёзлар ва қарзлар бериб, иш ҳақини ва бирқанча товарларнинг нархларини тартибга солиб, ортиқча маҳсулотларни кўплаб сотиб олиб, экспортни маблағ блан та'минлаб, савдо-сотиқ ишларини активлаштиришга уринмоқдалар. Лекин давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви капиталистик системанинг туб иллатларини йўқотмайди. Давлат ишлаб чиқариш анархиясини ва иқтисодий кризисларни туғдирадиган об'ектив қонунларни, я'ни капиталистик экономиканинг об'ектив қонунларини бекор қилишга қодир эмас. Кризислар капитализмнинг моҳиятига хос нарсадир, кризислар бўлиши муқаррардир.

Капитализм экономикасининг перспективаларини жаҳон капиталистик бозоридаги вазият кўп жиҳатдан белгилаб беради. Жаҳон капиталистик бозорида кейинги йилларда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Америка Қўшма Штатлари урушдан кейинги дастлабки йилларда бу бозорда танҳо ўзи ҳукмронлик қилар эди, энди бу ҳукмронликни қўлдан бериб қўймоқда. Бошқа мамлакатлар томонидан бўлаётган конкуренция натижасида АҚШнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси 1947 йилда энг катта миқдорга (32,5 процентга) етиб, кейин жуда пасайиб кетди, кейинги йилларда 19 процентга тушиб қолди. 1947—48 йилларда капиталистик дун'ёдаги саноат маҳсулотининг қарийб бешдан уч қисми АҚШ ҳиссасига тушган бўлса, эндиликда шу саноат маҳсулотининг ярмисигина АҚШ ҳиссасига тушади. АҚШ урушдан кейинги иқтисодий имкониятлардан фойдаланишнинг энг юқори нуқтасига чиқиб тушди, янги бозорлар топилишидан дарак йўқ. Бинобарин ишлабчиқаришни янада жиддий ўстириш перспективалари ҳам йўқ.

Жаҳон капиталистик бозорида Ғарбий Германия ва Япония яна пайдо бўлганидан кейин бу бозордаги аҳвол айниқса кескинлашди. Бу мамлакатлар ҳам Англия ва Франция сингари жаҳон бозоридаги ўзларининг урушдан олдинги позицияларини тиклаб олдилар деса бўлади. Энди бундан буён ҳар қайси мамлакат фақат конкурентларга қарши шиддатли курашиш йўли блангина ўз экспортини кўпайтириши мумкин. Англия Ғарбий Германия ва Японияннг активлиги ўсиб бораётганлигига рози эмас. Ғарбий Германия ва Япония Англиянинг ўз бозорларига уларни киритмаётганлигидан ҳафа. Уларнинг ҳаммаси Америка Қўшма Штатларидан норози бўлмоқ учун керагидан ортиқ асосларга эгадирлар, чунки Америка Қўшма Штатлари бир томонлама савдо-сотиқ қилиб, чет мамлакатларнинг товарларини ўз бозорига киритмай. Шарқ блан савдо-сотиқ қилишни тақиқлаб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон нархлар блан сотиб ва бошқа мамлакатларга оғир та'сир ўтказаётган бошқа тадбирларни кўриб, жаҳон бозорини издан чиқармоқда. Капиталистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий кураш тобора кучаяди ва кескинлашади.

Америка Қўшма Штатлари блан Буюк Британия ўртасидаги зиддият аввалгидек асосий зиддият бўлиб қолмоқда. Англия—Америка антагонизми кўп масалаларни ўз ичига олади. Океаннинг нариги ёғидаги конкурентлар «Атлантик ҳамкорлиги» байроғи остида Британия империясининг асосий стратегия ва иқтисодий позицияларини ўз қўлларига қамраб олмоқдалар, империя коммуникацияларида ўрнашиб олишга, имтиёзли та'рифлар системасини янчиб ташлашга, стерлинг зонасини ўзларига бўйсундиришга уринмоқдалар. Францияда бўлгани сингари Англияда ҳам «Атлантик ҳамкорлик»нинг фақат шу ҳамкорлик иштирокчиларидан биттасигина манфаатли бўлиб қолганлигига хотима беришга қаратилган интилиш кучайиб бораётганлиги таажжубланарли бир ҳол эмас.

Ғарбий Германиянинг иқтисодий қуввати тикланиб бораётганлиги жаҳон бозоридаги вазиятни айниқса кескинлаштирмоқда. Иккала жаҳон урушининг тажрибаси шуни кўрсатадики, герман монополиялари бозорлар учун кураш олиб боришда ҳеч нимадан қайтмайдилар. Шу муносабат блан Ғарбий Европада ҳам вазият кескинлашмоқда, чунки тез ўсиб бораётган, яна бунинг устига ҳарбийлаштириш йўлидан бориштга ниқталиб турган рақобатчи Германиянинг пайдо бўлиши Франция ва Англияга заррача яхшилик келтирмайди. Ғарбий Германиянинг ўзида ҳам аҳвол кескинлашмоқда, чунки концернлар ва монополиялар қувватининг тикланиши ўз вақтида фашизмни ҳокимият тепасига чиқариб қўйган қучларнинг тикланиш хавфини кучайтириб юборади.

Бозорлар проблемаси шунинг учун ҳам жуда кескинлашмоқдаки, ўсиб бораётган янги жаҳон социалистик бозори вужудга келганлиги сабабли жаҳон капиталистик бозорининг чегаралари тобора торайиб кетмоқда. Бундан ташқари, кам тараққий қилган ва мустамлакачилик асоратидан қутилаётган мамлакатлар ўз индустрияларини барпо қилишга киришмоқдалар, бу эса саноат товарлари сотиладиган бозорларнинг янада торайишига муқаррар олиб келади. Мана шуларнинг ҳаммаси империалистик лагерь ичида товарлар сотиладиган бозорлар ва та'сир доиралари учун курашни янада кўпроқ кескинлаштиради.

Шу блан бирликда социал зиддиятларнинг тўхтовсиз кескинлашаётганлиги капиталистик мамлакатлардаги ҳозирги аҳвол учун характерли хусусиятдир.

Капиталистик давлатлар ишчиларга қарши айниқса шиддатли қонунлар чиқарганликларига, меҳнат конфликтларини ҳукумат воситаси блан «бартараф қилиш», касаба союзларнинг ҳуқуқларини чеклаш тадбирларини кўрганликларига қарамай, урушдан кейинги йилларда забастовка кураши урушдан олдинги йилларга қараганда анча кенгайиб кетди. 11 мамлакатга (АҚШ, Англия, Франция, Ғарбий Германия, Япония, Канада, Австралия, Швеция, Бельгия, Голландия, Аргентинага) доир бўлган, забастовкаларга оид расмий ма'лумотлар шуни кўрсатадики, урушдан олдинги ўн йилни (1930—1939 йилларни) урушдан кейинги ўн йил (1945—1954) блан таққослаб қаралса, забастовкалар сони кўпайиб, 67 мингдан 101 минга етганлигини, забастовкаларда қатнашганларнинг сони кўпайиб, 21 миллион кишидан 73 миллион кишига етганлигини, забастовкалар сабабли йўқолган иш кунларининг сони кўпайиб, 240 миллиондан 672 миллионга етганлигини кўрсатади. Кўриб турибсизки, урушдан кейинги ўн йил мобайнида бўлган забастовкалар сони урушдан олдинги шу муддат ичида бўлган забастовкалар сонидан бир ярим баравар ошиб кетган, забастовкаларда қатнашганларнинг сони ва шу сабабли йўқолган иш кунларининг сони эса урушдан олдинги даражадан бирнеча баравар ошиб кетган. Демак, ишчилар синфининг капиталистик зулумга қарши олиб бораётган кураши тобора кўпроқ активлашмоқда ва кескинлашмоқда. Забастовка ҳаракати Францияда, Италияда, Японияда, АҚШда ва Англияда, урушдан кейинги йилларда эса Ғарбий Германияда ҳам айниқса оммавий ва кескин тус олди.

Ишчилар синфининг туб сиёсий масалалар устида тобора қат'ий кураш олиб бораётганлиги урушдан кейинги даврнинг характерли белгисидир. Кўпгина катта касаба союзлари, ўзларининг сиёсий маслакларидан қат'и назар, халқаро кескинликни юмшатиш учун, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш учун тобора активроқ курашмоқдалар. Француз ва итальян ишчилар синфи, француз компартияси, Италия коммунистлари ва социалистлари парламент сайловларида катта муваффақиятларга эришдилар. Бу муваффақиятлар ишчилар синфининг партиялари ўз мамлакатларидаги аҳоли кенг табақаларининг муҳаббатига ва ишончига сазовор бўлганликларини кўрсатади. (Давомли қарсаклар).

Капиталистик мамлакатлардаги аҳволнинг анализидан қандай хулосалар чиқариш керак?

Капиталистик дун'ёдаги вазиятнинг характерли хусусияти шуки, капиталистик дун'ёдаги чуқур зиддиятлар ўсиб бормоқда. Ишлабчиқаришнинг ижтимоий характери блан ўзлаштиришнинг капиталистик формаси ўртасидаги зиддият, ишлабчиқаришнинг ўсиб бораётганлиги блан тўлаш қобилиятига эга бўлган талабнинг камайиб бориши ўртасидаги зиддият, я'ни иқтисодий кризисларга олиб келадиган зиддият кучайиб бормоқда. Капиталистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ўсмоқда, уларнинг товарлар сотиладиган бозорлар ва та'сир доиралари учун кураши кескинлашмоқда. Социал зиддиятлар ўсмоқда ва чуқурлашмоқда, ишчилар синфининг, кенг халқ оммасининг ўз ҳаётий ҳуқуқлари ва манфаатлари учун кураши кучаймоқда. Шундай қилиб, капитализм янги иқтисодий ва социал ларзалар сари тўхтовсиз бормоқда.

3. Агрессив блоклар тузиш ва „совуқ муносабатлар уруши“ни авж олдириш йўлидаги империалистик сиёсат. Халқларнинг халқаро кескинликни юмшатиш учун кураши

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX с'езди блан XX с'езди орасидаги ўтган даврда халқаро муносабатлар соҳасида катта ўзгаришлар юз берди.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин орадан кўп ўтмай, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франциянинг сиёсатида реакцион, милитарист доираларнинг та'сири тобора кучлироқ бўлабошлади, иқтисодий ва сиёсий тазйиқ лўқ-пўписа ва ҳарбий провокациялар воситаси блан ўз ироласини бошқа мамлакатларга мажбуран қабул қилдиришга урининшлар кучаябошлади. Бундай йўл «зўравонлик сиёсати» деган ном олди. Ҳозирги замон империализмининг энг агрессив доиралари томонидан жаҳонга ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, ишчилар ҳаракатини, демократик ва миллий-озодлик ҳаракатларини бостиришга урининшлар, социализм лагерига қарши ҳарбий фитна-фасодлар қилиш планларини тузишлар ана шу сиёсатда ўз ифодасини топди.

Халқаро муҳит уруш васвасаси блан заҳарланди. Зўр бериб қуролланишлар даҳшатли тусга кирабошлади. АҚШ чегараларидан бирнеча минг километр нарида жойлашган давлатларнинг территорияларида Американинг кўпгина йирик ҳарбий базалари қурилди. Бу базаларнинг тиғи СССРга ва халқ демократияси мамлакатларига қарши қаратилган. Социалистик лагерь мамлакатларига қарши «совуқ муносабатлар уруши» деб аталган уруш бошланди. Давлатлар ўртасида сун'ий равишда бир-бирига ишонмаслик авж олдирилди, халқлар эса бир-бирига ўчакиштирилди. Кореяда қонли уруш бошланди, Ҳинди-Хитойда уруш кўп йилларга чўзилиб кетди.

«Совуқ муносабатлар уруши»га рағбатлантиручилар ҳарбий блоклар тузиш йўлини тутдилар. Ўз халқларининг хоҳишига қарамай, кўпгина мамлакатлар Шимолий атлантик блоки, Ғарбий Европа иттифоқи, СЕАТО (Жанубий-Шарқий Осиё учун ҳарбий блок) Бағдод пакти каби тор агрессив группаларга тортилдилар.

Ҳарбий блоклар ташкилотчиларининг да'восича, улар гўё мудофаа учун, «коммунистик хавфдан» мудофаа қилиш учун бирлашаётган эмишлар. Лекин бу бошдан-оёқ мунофиқликдир. Империалистик давлатлар дун'ёни қайталан тақсимлаш хаёлига тушган чоқда, улар ҳамиша ҳарбий блоклар тузишга уринганликлари тарихдан ма'лум. Ҳозирги вақтда «антикоммунизм» шиори бир давлатнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш йўлидаги даъвосини бекитучи ниқоб сифатида янгидан ишга солинмоқда. Бундаги янгилик шундан иборатки, Америка Қўшма Штатлари ҳархил блоклар ва пактлар тузиш йўли блан капиталистик дун'ёда ўзининг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлашни, блокларда қатнашучи ҳамма шерикларини ўз продасига итаатқорлик блан бўйсунучилар аҳволига солиб қўйишни истайди.

«Зўравонлик сиёсати» юргизишга рағбатлантиручиларнинг да'восича, гўё бу сиёсат янги урушга имкон бермас эмиш, чунки бу сиёсат жаҳон майдонида «кучларнинг мувозанатини» та'минлаб берар эмиш. Бу нуқтаий назар ғарбдаги давлат арбоблари орасида кенг ёйилган. Шунинг учун ҳам бу нуқтаий назарнинг асл ма'носини охиригача очиб ташлаш айниқса муҳимдир.

Зўр бериб қуролланиш воситаси блан тинчликни мустаҳкамлаш мумкинми? Бу саволни шу тахлитда қўйишнинг ўзи бема'ни бўлиб кўринади. Ҳолбуки «зўравонлик сиёсати»нинг тарафдорлари зўр бериб қуролланишни тинчликни сақлаш учун... асосий дастак қилиб кўрсатмоқдалар! Тамоман равшанки, давлатлар ҳарбий қувватни ошириш соҳасида бир-бирлари блан рақобатлашиб кетсалар, у вақтда бу блан уруш хавфи камаймайди, балки кучаяди.

Зўр бериб қуролланиш, «зўравонлик сиёсати», агрессив блоклар тузиш, «совуқ муносабатлар уруши» — ана шуларнинг ҳаммаси халқаро вазиятни кескинлаштирмасдан қолмас эди ва ҳақиқатан ҳам уни кескинлаштирди. Ҳисобот даврида жаҳон миқ'ёсидаги воқиаларнинг ривожланишидаги бир йўналиш ана шундан иборат бўлди.

Лекин худди шу йиллар мобайнида халқаро майдонда бошқа процесслар ҳам юз бердики, бу процесслар ҳозирги дун'ёда ҳамма ҳам монополистик доираларнинг зўравонлигига итоат қилабермаслигини кўрсатди.

Социализм, демократия ва тинчлик кучларининг, миллий-озодлик ҳаракати кучларининг тўхтовсиз мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Шу давр ичида Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги позициялари яна кўпроқ мустаҳкамланди, уларнинг обрў-э'тибори ва халқаро алоқалари беқиёс даражада ўсди. Социализмнинг халқаро лагери жаҳон миқ'ёсидаги воқиалар жараёнига тобора кучлироқ та'сир кўрсатмоқда. (Қарсаклар).

Европа ва Осиёдаги бир группа тинчликсевар давлатларнинг жаҳон майдонида пайдо бўлганлиги ва бу давлатларнинг блокларда иштирок қилмаслик сиёсатини ўз ташқи сиёсатининг принципи деб э'лон қилганлиги натижасида тинчлик кучлари анча кучайди. Бу давлатларнинг етакчи сиёсий доиралари, тор ҳарбий империалистик группировкаларда қатнашиш бу мамлакатларни агрессив кучларнинг ҳарбий авантюраларига тортиш хавфини кучайтиради, уларни зўр бериб қуролланишнинг ҳалокатли гирдобига тортади, холос, деб ҳақ гапни айтмоқдалар.

Натижада халқаро майдонда жуда кенг «тинчлик зонаси» ташкил топиб, бу зона Европа ва Осиёдаги социалистик давлатларни ҳам, социалистик бўлмаган тинчликсевар давлатларни ҳам ўз ичига олмоқда. Бу зона ер юзининг жуда катта майдонини ўз ичига оладики, бу майдонда қарийб бир ярим миллиард киши, я'ни ер юзи аҳолисининг кўпчилиги яшайди.

Кенг халқ оммасининг тинчликни ҳимоя қилиш учун бошлаган актив фаолияти халқаро воқиалар жараёнига зўр та'сир кўрсатди. Уруш хавфига қарши халқ оммасининг ҳозирги вақтда олиб бораётган курашининг кўлами ва ушоқоқлигига тенг келадиган шундай бир даврни тарихдан топиш мумкин эмас.

Уруш хавфига ва реакцияга қарши энг актив ва изчил кураш олиб борганлар коммунистик партиялар бўлди; коммунистик партиялар бутун шу йиллар мобайнида, худди илгаригидек, тинчликни сақлаш учун, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллиги учун курашда жонбозлик кўрсатдилар. Сўнгги йилларда капиталистик мамлакатлардаги коммунистлар зиммасига кўп қийинчиликлар ва оғирликлар тушди. Лекин коммунистик партиялар бу синовлардан шараф блан ўтаолдилар. (Давомли қарсаклар).

Шу блан бирга, кўпгина бошқа ижтимоий доиралар ҳам урушга қарши позицияда туриб майдонга чиқмоқдалар. Агарда тинчлик ишини ҳимоя қилучи турли кучлар ма'лум даражадаги тарқоқликка барҳам берганларида, бу кучларнинг чиқишлари яна кучлироқ та'сирга эга бўлар эди. Ишчилар синфининг, унинг касаба союзларининг бирлиги, ишчилар синфи сиёсий партияларининг — коммунистлар, социалистлар ва бошқа ишчи партияларининг бирлиги проблемаси ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги дун'ёнинг бошига тушаётган кўп бахтсизликларнинг сабаби шундаки, кўпгина мамлакатларда ишчилар синфи узоқ йиллардан бери ажралган ҳолда қолиб унинг турли отрядлари бир фронт бўлиб майдонга чиқмасдан келмоқда, бу эса фақат реакция кучларига қўл келади. Ҳолбуки, ҳозирги вақтда, бизнинг фикримизча, бу аҳволни ўзгартириш учун кенг йўл очилмоқда. Ҳаёт кўпгина шундай масалаларни кун тартибига қўйдики, бу масалалар барча ишчи партияларининг бир-бири блан яқинлашувини, ҳамкорлик қилишинигина талаб этиб қолмайди, балки шу блан бирга уларнинг шундай ҳамкорлик қилиши учун реал имкониятлар ҳам туғдиради. Булардан энг муҳими уруш хавфини йўқ қилиш масаласидир. Агар ишчилар синфи бирлашган ва ғолиб куч бўлиб майдонга чиқса, ўзининг қаттиқ продасини кўрсатса, у вақтда уруш бўлмайди.

Ана шуларнинг ҳаммаси ишчилар ҳаракатининг барча арбобларига тарихий мас'улият юклайди. Тинчлик учун кураш манфаатлари бир-бировини айблашни бир четга йиғиштириб қўйиб, бир фикрга келиш йўлини топишни ва шу базада ҳамкорлик асосларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу блан бирга социалистик ҳаракатнинг социализмга ўтиш формалари масаласида бизнинг қарашларимиздан бошқача қарашларга амал қилучи доиралар блан ҳам ҳамкорлик қилиш мумкин ва зарур. Бу доиралар орасида бу масалага софдиллик блан адашиб юрган кишилар ҳам озмунча эмас. Лекин бу ҳол улар блан ҳамкорлик қилиш учун тўсқин бўлаолмайди. Ҳозирги вақтда кўпгина социал-демократлар уруш хавфига ва милитаризмга қарши актив кураш олиб боришни, социалистик мамлакатлар блан яқинлашувни, ишчилар ҳаракатининг бирлигини ёқлаб майдонга чиқмоқдалар. Биз бу социал-демократларни чин қалбимиздан табриклаймиз ва тинчликни ҳамда меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш каби олижаноб иш учун курашда ўз кучларимизни бирлаштириш учун ҳамма зарур чораларни кўришга тайёрмиз. (Қарсаклар).

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Сўнгги йилларда халқаро воқиаларнинг бутун ривожланиши жуда кўп халқ кучлари тинчликни сақлаб қолиш учун курашга отланганликларидан далолат беради. Ҳукмрон империалистик доираларнинг бу блан ҳисоблашмай иложлари йўқ. Бу доираларнинг кўпроқ узоқни ўйлаб иш кўручи намояндалари «зўравонлик сиёсати» бу сиёсат қарши қаратилган мамлакатларга та'сир кўрсатаолмаганлигини ва бу сиёсат шармандаларча барбод бўлганлигини э'тироф қилабошладилар. Шу блан бирга, бу сиёсат капиталистик мамлакатлардаги халқ оммасининг гардонига оғир юк бўлиб тушди ва уларнинг норозилигини кучайтирди. Инсониятнинг жуда кўпчилиги «зўравонлик сиёсати»ни авантюристлик сиёсати деб ва уруш хавфини кучайтируччи сиёсат деб, халққа қарши қаратилган сиёсат деб рад қилмоқда.

Ана шу шак-шубҳасиз фактларнинг та'сири блан ғарбдаги э'тиборли доиралар орасида ма'лум даражада кўзи очилиш аломатлари кўринабошлади. Бу доиралар орасида социалистик лагерь мамлакатларига қарши бўладиган уруш капитализмнинг тақдири учун қандай хавфли ўйин бўлишини англаётган кишилар тобора кўпаймоқда. Шубҳа йўқки, агар капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари шундай уруш бошлашга жур'ат қилсалар, бу мамлакатларнинг ишчилар синфи ва кенг меҳнаткашлар оммаси халқларни қонли урушлар гирдобига вақт-вақти блан тортиб турадиган тузумга нисбатан ўзларининг қат'ий хулосаларини чиқарадилар. **(Давомли қарсаклар).** Сўнгги вақтларда буржуа мамлакатларининг кўзга кўринган арбоблардан, атом қуроли ишлатиладиган урушда «голиб чиқучи бўлмайди» деб очиқдан-очиқ э'тироф қилиб айтилган гапларнинг эшитилаётганлиги тасодифий эмас. Бу арбоблар, агар капитализм янги жаҳон урушини бошлаб юборса, бу урушда у ўзини ғўрга тиқади деб, айтишга ҳали жур'ат қилаолмасалар ҳам, лекин улар социалистиқ лагерьнинг енгилмаслигини очиқдан-очиқ э'тироф қилишга мажбур бўлмоқдалар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Империалистик кучлар позициясининг бўшашиб қолаётганлигининг сабаби фақат уларнинг мамлакатларидаги халқлар агрессив сиёсатни рад қилаётганлигидагина эмасдир, бунинг сабаби яна шундаки, империализм сўнгги ўн йил мобайнида Шарқда ҳам мағлубиятга учради, Шарқда мустамлакачиликнинг асрлардан буён давом қилиб келган тиргаклари емирилмоқда ва ундаги халқлар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиш ишини тобора ладирроқ ўз қўлларига олмоқдалар.

4. Империализм мустамлакачилик системасининг емирилиши

Октябрь социалистик революцияси империализмнинг мустамлакачилик системасига жуда кучли зарба берди. Улуғ Октябрь та'сири остида мустамлака халқларининг миллий озодлик қураши алоҳида куч блан авж олиб кетди, бутун кейинги йилларда давом этди ва империализмнинг бутун мустамлакачилик системасини чуқур кризисга олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германиясининг ва империалистик Японияннинг тор-мор қилинганлиги мустамлака ва қарам мамлакатлардаги озодлик курашини кучайтирган муҳим фактор бўлди. Демократик кучларнинг фашизм устидан қозонган ғалабаси маллум мамлакатлардаги халқларда ўзларининг озод бўлишлари мумкинлигига умид туғдирди.

Хитойдаги ғолибона революция мустамлакачилик системасига яна жуда катта зарба берди, бунинг натижасида империализм жуда қаттиқ мағлубиятга учради.

Аҳолисининг сони жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринда турган мамлакат, я'ни Ҳиндистон давлат мустақиллигини қўлга киритди. Бирма, Индонезия, Миср, Сурия, Ливан, Судан ва ўтмишда мустамлака бўлган бошқа бирқанча мамлакатлар мустақилликка эришдилар. Шундай қилиб, кейинги ўн йил мобайнида бир миллиард икки юз миллиондан кўпроқ киши ёки ер юзидаги аҳолининг қариб ярмиси мустамлака ва ярим мустамлака қарамлигидан қутилди. **(Давомли қарсаклар).**

Империализм мустамлакачилик системасининг емирилаётганлиги урушдан кейинги даврдаги жаҳоншумул тарихий воқиадир. Мустамлакачилар томонидан юз йиллардан бери кишилик жамияти тараққиётининг катта йўлидан четда сақлаб келинган халқларнинг уйғонишидан иборат улуғ процесс авж олиб кетди. Халқ Хитойи ва мустақил Ҳиндистон Республикаси буюк давлатлар қаторига ўтдилар. Шарқи-Жанубий Осиё, Араб Шарқи халқларининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётганликлари кўринди. Африка халқларининг уйғониш процесси бошланди. Бразилияда, Чилида ва Латин Америкасининг бошқа мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати кучайиб кетди. Кореядаги, Ҳинди-Хитойдаги ва Индонезиядаги урушларнинг натижалари эркин мустақил ҳаёт учун қат'ият блан курашаётган халқларни қарай олмайдилар. Улар шу мамлакатлар блан ўзларининг ўзаро муносабатларида ён беришга мажбурдирлар.

Лекин ҳали ҳамма мамлакатлар ҳам мустамлака асоратидан қутилганлар, деб бўлмайди. Африка қит'асининг катта қисми, Осиёдаги ба'зи мамлакатлар, шунингдек Марказий ва Жанубий Америкадаги ба'зи мамлакатлар ҳали ҳам мустамлака ва ярим мустамлака қарамлигида қолмоқдалар. Империалистик мамлакатлар уларни ўзларига хомаш'ё етказиб беруччи аграр қўшимча қилиб, сақлаб келмоқдалар. Қарам мамлакатлардаги аҳолининг турмуш даражаси жуда паст бўлиб қолмоқда.

Мустамлакачи давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ва та'сир доиралари, хомаш'ё манба'лари ҳамда ўз товарларини сотадиган бозорлар учун кураш кучаймоқда. АҚШ Европа давлатларининг мустамлака ерларини тортиб олишга ҳаракат қилмоқда. Жанубий Вьетнам Франция қўлидан АҚШ қўлига ўтмоқда. Америка монополиялари Франция, Бельгия ва Португалиянинг Африкадаги ерларига ҳужум қилмоқда. Ма'лумки, илгари Эроннинг нефть бойликлари тамомила инглизлар қўлида эди, аммо энди улар шу бойликларни америкалилар блан баҳам кўришга мажбур бўлдилар ва эндиликда америка монополиячилари инглизларни бутунлай сиқиб чиқариш учун курашмоқдалар. Покистонда ва Ироқда Америка «эркин ташаббускорлик» байроғи ниқоби остида ўз та'сирини кучайтирмоқда.

Америка монополиялари Марказий ва Жанубий Америка мамлакатларида ўзларининг устун бўлиб турганликларидан фойдаланиб, шу мамлакатлардан кўпининг экономикасини аҳоли учун жуда ноқулай бўлган бузуқ, бир ёқлама характерга солиб қўймоқдалар, шу мамлакатларнинг саноат тараққиётига тўсқинлик қилмоқдалар, уларни иқтисодий қарамликнинг оғир занжирлари блан боғлаб қўймоқдалар.

Мустамлакачи давлатлар ўзларининг аввалги ҳукмронликларини сақлаб қолмоқ, ба'зи ерларда эса ҳаттоки тиклаб олмоқ учун мустамлакалардаги халқларни қурол кучи блан бостиришдан иборат бўлган ва тарих томонидан қораланган тадбирларни кўрмоқдалар. Улар кам тараққий қилган мамлакатларга «ёрдам» бериш баҳонаси блан мустамлака қуллигига солишнинг янги формаларини ҳам ишлатмоқдаларки, бу нарса мустамлакаларига жуда катта фойда келтиради. Мисол учун Америка Қўшма Штатларини олиб кўрайлик. Ма'лумки, Америка Қўшма Штатлари кам тараққий қилган мамлакатларга аввало америка қурол-яроғларини етказиб бериш шаклида мана шу тариқа «ёрдам» бермоқдалар. Бу эса америка монополияларига харбий заказлар ҳисобига ўз саноатларини иш блан та'миндаш имкониятини беради. Сўнгра ҳарбий саноатнинг миллиард-миллиард маблағлик маҳсулоти бюджет ҳисобидан, америкали солиқ тўловчилар ҳисобидан кам тараққий қилган мамлакатларга жўнатилади. Қурол-яроғ тариқасида мана шундай «ёрдам» олган давлатлар муқаррар қарам бўлиб қоладилар, ўз армияларини кўпайтириш йўлига тушадилар, бу эса солиқларни кўпайтириб юборади, кам тараққий қилган мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражасини пасайтириб юборади.

Монополиячилар «зўровонлик позициясига» таянучи сиёсатни давом этдиришдан манфаатдирлар, «совуқ муносабатлар урруши»ни тугатиш уларга фойдали эмас. Бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, харбий васвасани авж олдириш империалистик экспансияни оқлаш воситаси бўлиб, халқ оммасини қўрқитиш, солиқларни кўпайтириб, сўнгра бу солиқларни ҳарбий заказларга сарфлашни ва миллиардерларнинг чўнтакларига пул қилиб солиб қўйишни оқламоқ учун халқ оммасини лақиллатиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, «совуқ муносабатлар уруши» ҳарбий саноатни юксак даражада сақлаб туриш ва жуда катта фойдалар олиш воситасидир.

Табиийдирки, кам тараққий этган мамлакатларга қилинаётган «ёрдам» муайян сиёсий шартлар блан, шу мамлакатларни агрессив ҳарбий блокларга тортиш, қўшма ҳарбий пактларни имзолаш шарти блан, америка тащки сиёсатини, я'ни жаҳонга ҳукмрон бўлишга ёки, америка империалистларининг ўзлари айтаётганидек «жаҳонга раҳбар бўлишга» қаратилган сиёсатни қўллаб-қувватлаш шарти блан берилмоқда.

СЕАТО, Бағдод пакти фақат агрессив ҳарбий ва сиёсий гуруҳларгина бўлиб қолмасдан, шу блан бирга кам тараққий қилган мамлакатларни мустамлака тариқасида эксплуатация қилишнинг янги формасидир, шу мамлакатларни қул қилиш воситаси ҳамдир. СЕАТОда Покистон блан Таиланд ва Бағдод пактида Ироқ, Эрон блан Туркия сиёсат тепасида турмаганликлари ҳаммага равшан-ку, ахир.

Бундай блоклар тузиш ва бир тўда мамлакатларни бошқа мамлакатларга қарама-қарши қилиб қўйиш ҳам иқтисодий жиҳатдан кам тараққий қилган мамлакатларни бир-биридан ажратиш воситаларидан биридир, мустамлакачиларнинг «аввал орани бўл, сўнгра ҳоким бўл» деган қадимдан ма'лум бўлиб келган сиёсатларининг давомидир. Улар Бағдод пакти воситаси блан Араб Шарқи мамлакатларини бир-биридан ажратишга уринмоқдалар. Улар СЕАТО воситаси блан Шарқий Жанубий Осиё мамлакатларини бир-биридан ажратишга уринмоқдалар.

Шарқ мамлакатлари халқларининг блокларда қатнашишга қарши кураши—миллий мустақиллик учун олиб борилаётган курашдир. Шарқи-Жанубий Осиёдаги, Яқин ва Ўрта Шарқдаги мамлакатларнинг катта кўпчилиги Ғарб давлатлари томонидан шу мамлакатларни тор доирадаги ҳарбий гуруҳларга тортишга зўр бериб уринишларини рад қилганликлари тасодифий бир нарса эмас.

Кам тараққий қилган мамлакатларнинг халқларини бир-бири блан ҳам, шунингдек социалистик лагерь мамлакатлари блан ҳам жанжаллаштириб қўйиш мақсадида қилинган ҳарқанча уринишларга қарамай, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Осиё ва Африкадаги 29 мамлакатнинг Бандунг конференцияси Шарқ халқларининг бирдамлиги ўсиб бораётганлигини ёркин намойиш қилиб кўрсатди. Бу конференциянинг қарорлари Шарқдаги юз миллионлаб кишиларнинг иродасини акс этдирди. Бу конференция мустамлакачилар ва агрессорларнинг режаларига кучли зарба берди.

Ўз устларидан мустамлака асоратини улоқтириб ташлаган Шарқ халқларининг социализм мамлакатларидаги халқлар блан бўлган дўстлиги ва ҳамкорлиги ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Буни Ҳиндистон ва Бирма вакилларининг Совет Иттифоқига қилган сафарлари ва Совет Иттифоқи вакилларининг Ҳиндистон, Бирма ва Афгонистонга қилган сафарлари яққол кўрсатди. Ҳозирги замон халқаро ҳаётининг туб масаласида—умумий тинчликни ва барча давлатларнинг миллий мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласида Совет Иттифоқининг қарашлари блан жаҳоннинг буюк давлатларидан бири бўлган Ҳиндистон Республикасининг, шунингдек Бирма ва Афгонистоннинг қарашлари ўртасида умумийлик борлиги бу сафарлар натижасида тасдиқланди.

Улуғ Совет халқининг вакиллари гоят самимият ва хурсандчилик блан кутиб олинганлиги Шарқ мамлакатларидаги кенг халқ оммасининг Совет Иттифоқига бўлган чуқур ишончини ва муҳаббатини ёркин намойиш қилиб кўрсатди. Миср даги «Ал-Аҳбор» газетаси бу ишончнинг манба'ларини очиб бериб, яқинда ҳақли равишда қуйидагиларни ёзди: «Россия халқларнинг виждонини, ҳуқуқларини ва эркинлигини сотиб олишга уринаётгани йўқ. Россия халқларга қўл узатиб, халқлар ўз тақдирларига ўзлари хўжайин бўлишлари лозим. ва халқларнинг ҳуқуқларини ҳамда истак ва орзуларини тан олишини ва улардан ҳарбий пактларда ёки блокларда қатнашишни талаб қилмаслигини айтди». Миллион-миллион кишилар мамлакатимизни мустамлакачиликка қарши муросасиз кураш олиб бораётганлиги учун, барча халқлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик ва дўстлик ўрнатиш сиёсатини олиб бораётганлиги учун, изчиллик блан тинчликсевар ташқи сиёсат ўтказаётганлиги учун қизғин равишда табрикламоқдалар. **(Гулдурос қарсаклар).**

5. Совет Иттифоқи тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда

Тинчликсевар ташқи сиёсатнинг ленинча принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлини актив равишда амалга ошириб келди ва бу йўлда катта муваффақиятларга эришди. Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуси ривожланиб борган энг муҳим йўлларни эслатиб ўтаман.

Биринчидан, буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши.

Иккинчидан, Шарқда мавжуд уруш ўчоқларининг тугатилиши ҳамда Европа ва Осиёда уруш ва конфликтларнинг янги ўчоқларининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик.

Учинчидан, Европада кескинликни юмшатиш мақсадида бир қатор давлатлар блан муносабатларнинг тартибга солиниши (қардош Югославия блан муносабатларнинг нормалаштирилиши, Австрия блан давлат шартномаси тузилганлиги, СССР блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши ва бошқалар).

Тўртинчидан, Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш, қуролсизланиш, атом қуролини тақиқлаш, Германия проблемаси ва шу каби масалаларни ҳал қилиш учун янги йўллар қидирилганлиги.

Бешинчидан, тинчликни сақлаш позициясида туруччи барча давлатлар блан қат'ий суратда яқинлашув.

Олтинчидан, ҳамма йўллар блан халқаро ҳамжиҳатлик ва алоқаларнинг ҳартомонлама кенгайтирилиши: Совет давлат арбобларининг бошқа мамлакатларнинг давлат арбоблари блан шахсий алоқа боғлашлари, бизнинг партиямиз вакиллари блан бошқа мамлакатлардаги ишчи партиялари вакиллари ўртасида ўрнатилган ҳамжиҳатлик ва алоқалар, касаба союзлари ўртасида кўрсатилган ҳамжиҳатлик ва алоқалар, бизнинг мамлакатимиз блан бошқа мамлакатларнинг бир-бирларига парламент делегациялари, жамоат ва бошқа делегациялар юбориб туришлари, савдо-сотиқ ишларининг ва бошқа иқтисодий алоқаларнинг, туризмнинг ривожланиши, мамлакатларнинг бир-бирига студентлар юборишининг кенгайиши.

СССРнинг тинчлик ташаббуси халқаро воқиалар жараёнига гоят катта та'сир кўрсатаётган энг йирик факторлардан бири бўлиб қолди.

Барча тинчликсевар мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши ва биргалашиб ҳаракат қилиши Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуси муваффақият қозонишига катта ёрдам қилди. Кореядa ва Ҳинди-Хитойда қонли урушни тўхтатиш учун кўп куч сарф қилган ва Осиёда коллектив тинчлик пакти тузиш тўғрисидаги ма'лум таклиф блан майдонга чиққан Хитой Халқ Республикаси бу ишда айниқса муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда. Улуғ Ҳиндистон Республикаси Осиёда ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. СССРнинг халқаро вазиятни соғайтириш йўлидаги тадбирларини барча мамлакатлардаги миллионмиллион оддий кишилар қизғин қувватлаилар.

Тинчликсевар давлатлар ва халқларнинг зўр бериб кураши бекорга кетмади. Урушдан кейинги йиллар давомида биринчи марта халқаро кескинликнинг ма'лум даражада юмшаши юз берди. Бу вазиятда тўрт давлат Ҳукумат Бошлиқларининг Женева кенгашини ўтказиш мумкин бўлди. Бу кенгаш мамлакатлар ўртасида музокара юргизиш методи ҳаётий ва тўғри эканлигини кўрсатди. Бу кенгаш СССРнинг, музокаралар олиб бориш йўли блан халқаро муносабатларга доир энг мураккаб масалаларни ҳал қилиш мумкин, бунинг учун фақат ўзаро ҳамкорлик ва битимга келишга интилиш бўлиши шарт, деган нуқтаи назарини тасдиқлади.

Ҳозирги вақтда ба'зибировлар «Женева руҳи»ни йўқ қилишга уринмоқдалар. Фактлар Ғарблаги ма'лум доиралар Совет Иттифоқига тазйиқ қилиб, уни бирёқлама ён беришга кўндириш умидидан ҳали ҳам воз кечмаганликларини кўрсатмоқда. Лекин бундай фикрлар хомхаёл эканлигини аллақачон тушунмоқ керак эди. Совет Иттифоқи буюк давлатларнинг тутган позицияларини бир-бирига яқинлаштириш учун кўпгина чораларни кўрди. Эндиликда гап Америка Қўшма Штатлари, Англия, Францияда қолди. Бу, албатта, Совет Иттифоқи халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишида бундан буён янада зўр бериб ҳаракат қилишдан бош тортади, деган ма'нони билдирмайди. Аксинча, давлатларнинг бирқанча энг муҳим халқаро проблемалар юзасидан тутган позицияларини бир-бирига яқинлаштириш имконияти туғилган экан, Совет Иттифоқи барча мамлакатлар ўртасида ва, биринчи галда, буюк давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ўрнатишга янада кучлироқ сабот ва матонат блан интилади. Шу блан бирга, барча мамлакатларнинг баббаравар зўр бериши, ўзаро ён беришлари — буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларда мутлақо зарур бўлган шартлардир. Музокара олиб бориш методи халқаро масалаларни ҳал қилишнинг бирдан-бир методи бўлиб қолмоғи лозим.

Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш. Осиёда коллектив хавфсизликни та'минлаш, қуролсизланиш — энг муҳим уч проблема ана шундан иборат бўлиб, ана шу проблемаларнинг ҳал қилиниши узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик асосини қуриши мумкин.

Европада коллектив хавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши Европадаги барча катта ва кичик мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига мувофиқ келган бўлар ва айни вақтда бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкам равишда та'минлаш учун хизмат қилган бўлар эди. Шу блан бирга бу ҳол Германия масаласини ҳам ҳал қилишга имкон берган бўлар эди. Лекин бу масаланинг ҳозирги вақтдаги аҳволи кишини ташвишга солмасдан қолаолмайди. Германия ҳали ҳам ажралган ҳолда қолмоқда, Ғарбий Германиянинг қуролланиши кучаймоқда. Уч ғарбий давлат герман милитаризмини тиклашга уринаётган экан, улардан ҳарбири бундан ўз мақсадини кузатаётганлиги сир эмас. Лекин узоқни ўйламай юргизилаётган бу сиёсатдан ким ютиб чиқали? Даставвал, Ғарбий Германиянинг империалистик кучлари ютиб чиқали. Ютқизучилар орасида Францияни биринчи ўринга қўйишга тўғри келади, чунки шунлай сиёсат блан Францияни учинчи даражадаги давлат аҳволига тушириб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Вашингтон—Боннда иборат қандайдир янги ўқ пайдо бўлиб, уруш хавфини кучайтираётганлиги тобора яққолроқ кўринмоқда.

Ҳозирги вазиятда Германия масаласини бошқача йўл блан, халқларнинг, шу жумлаган, герман халқининг ҳам тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш учун реал имкониятлар мавжудлир. Тинчликсевар Совет давлатининг қудрати мисли кўрилмаган даражала ўсди. Бир вақтлар Германия учун хомаш'ё ва одам резервлари етказиб берган Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари эндиликда СССР блан биргаликда герман реваншистларининг эҳтимол тутилган агрессиясига қарши мустаҳкам тўсиқлир. Ўтмишда Германиянинг иттифоқчиси бўлган Австрия бетарафлик сиёсатини э'лон қилди. Ғарбий Европанинг ҳамма мамлакатларида тинчликсевар кучлар ҳаракат қилмоқда. Германиянинг ўзида ҳам кучларнинг жойланиши илгаригидек эмас, бошқачадир. Урушни истамайтиган Германия Демократик Республикаси шундай даражада мустаҳкамландики, эндиликда унинг иштирокисиз ёки унинг манфаатларини ҳисобга олмасдан, Германия проблемасини ҳал қилиш тўғрисида сўз очиш мумкин эмас. Германия Федерал Республикасида кўпмиллионли ишчилар синфи бошқа ватанпарвар кучлар блан бирликда Германияни янги уруш ўчоғига айлантиришга қарши тобора активроқ майдонга чиқмоқда.

Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш, Париж битимларидан воз кечиш, икки Герман давлати ўртасида алоқа ва ҳамкорлик ўрнатиш—Германия проблемасини ҳал қилишнинг тўғри йўли ана шу. Ма'лумки, муайян доиралар Германия проблемасини немисларнинг иштирокисиз ва герман халқининг туб манфаатлари зararига ҳал қилишга уринмоқдалар. Шак-шубҳа йўқки, бундай сиёсат, албатта, мағлубиятга учрайди. **(Қарсаклар).**

Зўр бериб қуролланишни тўхтатиш инсоният учун энг муҳим ҳаётий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Албатта, бу мураккаб масала. Лекин бу мураккаб масалани ҳал қилиш йўлини янада каттароқ сабот-матонат ва ғайрат блан изламоқ лозим.

Совет Иттифоқи, қуролсизланиш масаласини қотиб қолган ўрнидан қўзғатиш учун оз иш қилди, деб ҳеч ким айтаолмайди. Совет Иттифоқининг 1955 йил 10 майда қилган таклифлари, унинг ўз қуролли кучларини қисқартириш йўлидаги тадбирлари ва бошқалар ҳаммага ма'лум. Лекин ғарбдаги давлатлар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Совет Иттифоқи Англия, Франция ва Америка Қўшма Штатларининг қуролсизланишнинг икки даври тўғрисидаги ва қуролли кучларнинг ма'лум чегарадаги даражалари ҳақидаги таклифларини қабул қилиши блан, ғарбий давлатлар орқага қараб тисарилабошладилар ва Совет Иттифоқининг конкрет таклифларини қабул қилишдан бош тортибгина қолмай, ҳатто ўзлари қилган таклифларидан ҳам қайтдилар.

Равшанки, бунда «зўровонлик сиёсати»нинг энг ашаддий тарафдорларининг та'сири кўриниб турибди, улар янгидан ҳужум бошлаб, халқаро кескинликда юз берган юмшалишни янада барбод беришга уринмоқдалар. Албатта, тинчликсевар давлатлар бундан тегишли хулосалар чиқариб, ўз мамлакатларининг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаб боришлари зарур эди.

Ўз кучлари ва ресурсларини бирлаштиришга мажбур бўлган бизнинг давлатларимиз Варшава шартномасини тузилар, бу шартнома Европада стабельлаштируччи муҳим фактордир. Бизнинг давлатларимиз ўз халқларининг тинч ҳаётини сақлаб қолиш ва Европада янги уруш олови ёқилишига йўл қўймаслик учун ўзларининг барча куч-қувватларидан фойдаланишга қаттиқ бел боғлаганлар. Қуролсизланиш масаласига келганда эса, биз бу энг муҳим проблемани ҳал қилиш учун куч-қувватимизни аямаймиз.

Биз бундан буён ҳам зўр бериб қуролланишни тўхтатиш, атом ва водород қуролини тақиқлашга ҳаракат қиламиз. Қуролсизланишнинг асосий масалалари юзасидан бир битимга келганга қадар биз бу соҳада ба'зибир чораларни кўришга, масалан, термоядро қуролини синашни тўхтатиш, Германия территориясидаги қўшинларда атом қуроли бўлишига йўл қўймаслик, ҳарбий бюджетларни қисқартиш каби ба'зи чораларни кўришга тайёр эканлигимизни билдирамиз. Давлатларнинг шундай тадбирларни амалга ошириши қуролсизланишнинг бошқа янада мураккаброқ масалалари юзасидан бир фикрга келиш учун йўл очиб берган бўлар эди.

Совет Иттифоқи халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини сақлаш учун ҳамма зарур чораларни кўришга қат'ий бел боғлаган.

Жаҳондаги иккита энг йирик давлат ўртасида — Совет Иттифоқи блан Америка Қўшма Штатлари ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатларнинг ўрнатилиши бутун дун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун гоят катта аҳамиятга эга бўлган бўлур эди. Бизнинг фикримизча, СССР блан АҚШ ўртасидаги муносабатларга тинч тотув яшашнинг машҳур беш принципи асос қилиб олинганида, бу ҳол бутун инсоният учун чинакам катта аҳамиятга эга бўлар эди ва, албатта, Америка Қўшма Штатлари халқига, СССР халқларига ва бошқа барча халқларга келадиган фойдадан кам фойда келтирмаган бўлар эди. Бу принципларга—территориал бутунликни ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, ҳужум қилмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш ва иқтисодий ҳамкорлик принципларига—ҳозирги вақтда йигирмалаб давлатлар қўшилмоқдалар ва уларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Сўнгги вақтларда биз томонимиздан янги муҳим тадбирлар кўрилди, бу тадбирларни кўришдан мақсад—совет-америка муносабатларини тубдан яхшилашга эришувдир. Биз СССР блан АҚШ ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифни кўзда тутамиз, бу таклиф ўртоқ Н. А. Булганининг президент Д. Эйзенхауэрга юборган мактубида баён қилинган эди.

Биз халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун кураш майдонида Қўшма Штатлар блан дўст бўлишни ва ҳамкорлик қилишни, шунингдек иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилишни истаймиз. Биз бу ишга ҳеч қандай ғаразгўйлик ва яхши ниятлар блан бормоқдамиз. Биз бу таклифни Совет Иттифоқи Америка Қўшма Штатлари блан шундай шартнома тузмаслан яшайолмаслиги учун илгари сураётганимиз йўқ. Совет Иттифоқи блан Қўшма Штатлар ўртасида ҳатто нормал дипломатик муносабатлар бўлмаган вақтда ҳам Совет давлати яшаб ва муваффақият блан ривожланиб келди. Бизнинг АҚШга шартнома тузиш тўғрисида таклиф қилиб мурожаат этганлигимизнинг сабаби шуки, бундай шартнома тузиш ҳар иккала мамлакат халқларининг тинч ва дўст бўлиб яшаш йўлидаги энг чуқур интилишларига мувофиқ келган бўлар эди. **(Қарсаклар).**

Агар Совет Иттифоқи блан АҚШ ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилмасдан, ўзаро ишончсизлик давом қилаберса, бу ҳол янада кенг миқ'ёсда зўр бериб қуролланишга ва ҳар иккала томонда кучларни янада ҳавфли равишда зўр бериб кўпайтиришга олиб борган бўлар эди. Совет Иттифоқи блан Америка Қўшма Штатлари халқларининг истаги шуми? Албатта, йўқ.

Бизнинг ташаббусимиз Қўшма Штатларда ҳозирча лозим даражада тушунилган ва қувватланган эмас. Лекин бизнинг бу интилишимиз АҚШда тўғрироқ баҳоланади ва ишимиз яхшиликка қараб боради, деб умид қиламиз.

Биз, илгаригидек, Буюк Британия ва Франция блан муносабатларимизни янада яхшилашга эришиш ниятидамиз. Европада жойлашган мамлакатларимизнинг манфаатлари кўп жиҳатдан бирдир. Даставвал, ҳамманинг янги урушга йўл қўймаслик тўғрисидаги ғамхўрлиги бирдир. Ма'лумки, ҳар иккала жаҳон уруши Европада бошланди. Бу урушларнинг ўчоғи милитарист Германия эди. Совет Иттифоқи, Франция, Англия халқлари Польша, Чехословакия, Югославия, Бельгия, Албания ва бошқа Европа давлатларининг халқлари блан бирликда умумий душманни тор-мор келтириш ва тинчликни та'минлаш учун кўп қон тўкдилар. Биз, СССР, Англия ва Франция буюк Европа давлатлари сифатида тинчлик бахт-саодатини муқаддас тутиб, янги урушнинг олдини олиш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Буни ҳозирги вақтда, реваншист Ғарбий Германия вермахтини қайтадан тиклаш тезлатилиб, бутун Европа халқларининг хавфсизлигига тўғридан-тўғри хавф туғдираётган бир вақтда, эслатиб ўтиш муҳимдир. Европада тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашни та'минлаш манфаатлари бизнинг мамлакатларимиз учун ўткинчи чора эмасдир. Бу манфаатлар СССР, Англия ва Франция ўртасида бир-бирини ушлаш ва ҳамкорлик қилиш учун, савдо ишларини ва ҳартомонлама алоқани ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиб беради.

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА)

Тожикистон пахтакорлари пахта тайёрлаш планини бажардилар

Тожикистон пахтакорлари КПСС XX с'ездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг кучайтириб, пахта тайёрлаш давлат планини бажардилар.

1955 йилги кўкламнинг ноқулай шароитлари натижасида юз берган катта қийинчиликларга қарамай, республиканинг пахтакорлари чигит экишда илғор усулларни — торқаторлаб экиш, ғўза қатор ораларини узунасига-кўндаланига ишлаш ва бошқа шу каби прогрессив агротехника усулларини қўлланиб, фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Республика бўйича суғориладиган ҳамма пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 26 центнердан, шу жумладан совет сортлари экилган ерларда 28,4 центнердан пахта ҳосили олдилар.

Республиканинг кўпгина район ва колхозлари пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Оржоникидзеобод районидаги колхозлар 7227 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,3 центнердан пахта ҳосили олдилар; Регар районидаги колхозлар 9930 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан, Сталинобод районидаги колхозлар 8777 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,9 центнердан, Ҳисор районидаги колхозлар 6856 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,3 центнердан, Шаҳринав районидаги колхозлар 4451 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,8 центнердан, Пролетар районидаги колхозлар 5784 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29,4 центнердан, Қўрғонтепа районидаги колхозлар 5122 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25,6 центнердан пахта ҳосили йиғиб олдилар. Ҳисор водисининг районлари 38 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 33,5 центнердан пахта топширдилар. Кўпгина колхозлар ҳар гектар ердан 40 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ пахта ҳосили олдилар, колхозларнинг 30 та далачилик бригадаси эса гектаридан 45—52 центнердан ҳосил етиштирдилар.

Тожикистон колхозлари ва совхозлари пахтанинг Ватанимиз учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, 1956 йилда ўз зиммаларига янги, янада ошиқроқ бўлган мажбуриятларни — ҳар гектардан ўрта ҳисобда камида 30 центнердан пахта етиштириш ва давлатга топшириш мажбуриятини олмоқдалар.

Англия блан Американинг Яқин ва Ўрта Шарққа нисбатан мўлжаллаган тадбирлари тўғрисида СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг баёноти

АҚШ президенти Эйзенхауэр блан Англия бош министри Иденнинг Вашингтонда бўлган Англия-Америка музокараларининг якунлари тўғрисида шу йил 1 февральда э'лон қилган қўшма баёнотида биргаликда кўриладиган ба'зи тадбирлар кўзда тутилади. Гарчи бу баёнотда мазкур тадбирларнинг характери етарли аниқлаб берилмаган бўлса ҳам, шунга қарамай, ҳозирдаёқ аниқ-равшан бўлиб қолдики, БМТни четлаб ўтиб ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари иштирокисиз мўлжаллангган бу сепарат тадбирлар Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликка ҳамла хавфсизликка таҳдид қилмай қолаолмайди, шунингдек бу райондаги мамлакатларнинг мустақиллигини ва суверенитетини поймол қилмай қолаолмайдики, бу нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принципларига ва мақсадларига зиддир.

Шу муносабат блан СССР Ташқи Ишлар Министрлиги қуйидагиларни билдиришни зарур деб ҳисоблайди.

Вашингтон кенгашининг қатнашчилари, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига нисбатан ўзлари томонидан бу хил тадбирларнинг белгиланишини «Исроил блан унинг қўшнилари бўлган араблар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескин тус олганлиги» тақозо қилмоқда, деб да'во қиладилар. Шу блан бирга улар масалани шундай тасвирлашга уринмоқдаларки, уч мамлакат — АҚШ, Англия ва Франциянинг 1950 йил 25 майдаги декларацияси ёр мамлакатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидан ташқари ўзбошимчалик блан ҳаракат қилишларига гўё имконият берар эмиш.

Уч мамлакат декларациясини баҳона қилиш, жумладан, бу тадбирларга Францияни жалб қилиш учун керак бўлиб қолганлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини муайян четэл доираларининг ҳоҳиш-иродасига бўйсунишга мажбур этиш йўлида биринчи марта уринилаётгани йўқ. Бу четэл доираларининг манфаатлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг миллий орзуларига ёт бўлган манфаатлардир. Бу мамлакатларнинг халқлари ғарб давлатларининг бу ҳаракатлари нефть монополияларининг интилишлари блан боғлиқ деб, я'ни бу райондаги нефть бойликларидан мазкур мамлакатлардаги халқларнинг манфаатлари блан ҳисоблашмасдан ўз бойликларини ошириш учун фойдаланишга қаратилган интилишлари блан боғлиқ, деб ҳақли суратда ҳисобламоқдалар.

Шуни эслатиб ўтиш ўринлидирки, ўз вақтида уч мамлакат — АҚШ, Англия ва Франция декларациясига араб мамлакатлари аслда Яқин ва Ўрта Шарқни муайян давлатлар ўртасида та'сир доираларига бўлишга уриниш деб ва араб мамлакатларининг мустақиллигига ҳамда суверенитетига қасд қилиш деб баҳо берган эдилар.

Худди ана шунинг учун Миср, Сурия, Ливан, Саудия Арабистони, Яман, Ироқ ва Иордания уч давлатнинг мазкур декларациясига 1950 йил 21 июньда биргаликда берган жавобида, биз «ўзимизнинг суверенитетимизга ёки мустақиллигимизга путур етказадиган ҳечқандай ҳаракатларнинг қилинишига йўл қўяолмаймиз», деб билдирган эдилар.

Совет ҳукумати 1952 йил 28 январьда АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Туркия ҳукуматларига юборган нотасидаёқ уч мамлакат — АҚШ, Англия ва Франция декларациясига тўхталиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига даставвал ўз ҳарбий планларининг қуроли деб қараётган мазкур уч давлатнинг бу акциясига қандай қараганлигини айтган эди.

Шундан кейинги воқиалар шу фактни та'кидладики, ғарб давлатларининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига нисбатан қилаётган ҳаракатлари бу райондаги мамлакатларнинг миллий манфаатларига ҳам, умуман тинчлик манфаатларига ҳам ҳа тўғри келмайди. Бунинг устига, бу воқиалар шу нарсани кўрсатдики, бу хил ҳаракатлар тинчлик манфаатларига, бу райондаги халқларнинг ҳаётий манфаатларига ҳам очиқдан-очиқ хилофдир, бу халқларнинг ҳаётий манфаатлари халқаро кескинликнинг юмшатилишига, зўр бериб қуролланишнинг тўхтатилишига, ҳамма катта ва кичик давлатларнинг, ижтимоий та давлат тузумлари қандай бўлишидан қат'и назар, тотув яшашларига интилаётган барча тинчликсевар халқларнинг манфаатлари блан чамбарчас боғлангандир.

Худди ана шу ҳарбий планларни амалга ошириш мақсадларида маш'ум Бағдод пакти, я'ни араблар томонидан ҳақли суратда халқлар тюрьмаси деб аталган пакт тузилди. Ма'лумки, ҳозирги вақтда бу янги агрессив блокни кенгайтиришга уринилмоқда. Бу блокнинг вужудга келтирилиши бу районда кескинликни кучайтиради ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқдаги давлатларнинг хавфсизлигига ва миллий мустақиллигига тўғридан-тўғри таҳдид қилади. Бу райондаги давлатларнинг катта кўпчилиги уларни ана шу ҳарбий гуруҳга жалб қилиш, уларнинг суверенитети ва мустақиллигига путур етказадиган ҳарбий мажбуриятлар ва бошқа хил асоратли мажбуриятлар блан уларнинг қўл-аёгини боғлаб қўйиш йўлидаги уринишларга қаттиқ қаршилик кўрсатаётганликлари ҳам ма'лумдир.

Янги ҳарбий блок тузишдан иборат ҳаракатларини оқлаш ниятида масалани шундай деб тасвирлашга уринилмоқдаки, мазкур райондаги кескинликни ана шу ҳаракатлар эмас, ғўё «совет блоки»нинг қандайдир ҳаракатлари кучайтирган ва уруш хавфини оширган эмиш. Бироқ, ҳаммага ма'лум фактларга хилоф бўлган бу хил бема'ни да'воларга ишонадиган кишилар борган сари камайиб бормоқда.

Вашингтон баёнотида, жумладан, баёнот қатнашчилари «Исроил блан унинг қўшнилари бўлган араблар» ўртасидаги низо'нинг «ҳал этилишини» истайдилар, деб кўрсатилади. Агар бу шундай бўлса, яхши бўлур эди. Лекин шундай экан, нима учун бу қарорлар манфаатдор мамлакатлар иштирокисиз, улар блан ҳисоблашмасдан қабул қилинади. Бироқ, ма'лум фактлар шуни кўрсатадики, ғарбий давлатларнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳақидаги ана шундай баёнотлари блан бу мамлакатларга нисбатан бўлаётган ба'зи ҳаракатлари ўртасида очиқдан-очиқ тафовут бор.

Бундан ташқари, қейинги вақтда матбуотда шундай хабарлар пайдо бўлдики, ба'зи давлатлар мазкур районга ўз қўшинларини киритмоқчилар, шу блан бирга, бу тўғридаги хабарлар рад этилмади. Бу масала тегишинча аниқлаб берилади ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатларининг, фақат бу мамлакатларнингина эмас, бошқа мамлакатларнинг ҳам ана шундай хабарлар муносабати блан бўлган ҳақли ташвишларини бартараф қиладиган баёнотлар қилинади, деб ўйлаш керак.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари территориясига қўшин киритиш тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига очиқдан-очиқ хилоф бўлган ва бу районда хавфли низо'лар ҳамда кескинлик ўчоғи вужудга келтирадиган ҳаракат бўлур эди, бу эса мазкур райондаги мамлакатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни ҳал этиш имкониятини янада кўпроқ қийинлаштирган бўлур эди.

СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг Яқин ва Ўрта Шарқда хавфсизлик тўғрисида 1955 йил 16 апрельда қилган баёнотида айтиб ўтилган эдики, Совет Иттифоқи Яқин ва Ўрта Шарқ районида юз бераётган аҳволга бефарқ қараб турaолмайди, чунки бу — Совет Иттифоқининг хавфсизлигига тўғридан-тўғри тааллуқлидир, бошқа ба'зи давлатлар бу райондан узоқ бўлганлари ҳолда, Совет Иттифоқи бу районга жуда яқин турибди. СССР Ташқи Ишлар Министрлиги яна айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдики, Яқин ва Ўрта Шарқ районида аҳволни чигаллаштиришга ва бу районда кескинликни кучайтиришга сабаб бўладиган ҳарбир ҳаракатга Совет Ҳукумати асло э'тиборсиз қарайолмайди.

Манфаатдор давлатларнинг розилиги бўлмасдан туриб ва тинчликни сақлаш учун асосий мас'улиятни ўз устига олган орган сифатида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг рухсати бўлмасдан туриб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари территориясига четэл қўшинларининг киритилиши каби акт — БМТ Уставини ва бирқанча мамлакатларнинг давлат суверенитетини қўпол равишда бузиш бўлур эди.

Совет Ҳукумати ишонадики, унинг бундай позициясини тинчликни, хавфсизликни сақлашдан ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари территорияларининг дахлсизлигини сақлашдан манфаатдор бўлган барча тинчликсевар давлатлар яхши тушуниб олади ва қўллаб-қувватлайди.

Совет Ҳукуматига келганда, у ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсати принципларига содиқ қолиб, бундан буён ҳам тинчликни ёқлайди, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг эркинлигини, мустақиллигини ва уларнинг ички ишларига аралашмасликни ҳимоя қилади, бошқа манфаатдор давлатлар блан биргаликда бу районда хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг миллий мустақиллигига путур етказиши ва бу районда тинчликни сақлашга хавф туғдириши мумкин бўлган бундай ҳаракатлардан кўз юмаолмайди.

Маданият, фан ва техника соҳасида СССР блан АҚШ ўртасида делегациялар айирбошлаш тўғрисида

Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева Кенгашидан кейин Совет Иттифоқи блан Америка Қўшма Штатлари ўртасида маданият, фан ва техника соҳасида делегациялар айирбошлаш кучаябошлаганлиги муносабати блан АҚШ Давлат Департаменти Американинг Москвадаги элчихонаси орқали СССР Ташқи Ишлар Министрлигига Меморандум топшириди. Бу Меморандумда делегациялар айирбошлаш вақтида амал қилиниши мақбул бўлган принциплар баён этилган.

Ана шу Меморандумда айтилишича, АҚШ ҳукумати Совет Иттифоқи блан Америка Қўшма Штатлари ўртасида делегациялар айирбошлашни кучайтиришдан манфаатдордир ва Америка томонининг фикрича, бундай айирбошлашни ўзаро ҳамжиҳатлиқ принципи асосида ва ҳар иккала томонни қизиқтираётган турли соҳаларда олдиндан ишлаб чиқилган программага мувофиқ суратда ўтказиш керак. Меморандумда, жумладан, медицина ва қишлоқ хўжалиги соҳасида делегациялар айирбошлаш программасини ишлаб чиқиш таклиф этилади ва бу масалани Вашингтондаги совет вакиллари блан муҳокама қилишга АҚШнинг тайёр эканлиги билдирилади.

Ана шу Меморандум муносабати блан СССР Ташқи Ишлар Министрлиги шу йил 3 февральда Америка Қўшма Штатлари элчихонасига қуйидаги мазмунда эслатма хат топшириди:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлиги Америка Қўшма Штатлари Давлат Департаментининг СССР блан АҚШ ўртасида делегациялар айирбошлаш ҳақида 1955 йил 12 ноябрьдаги Меморандумини э'тибор блан ўрганиб чиқди.

Ма'лумки, Совет Ҳукумати Совет Иттифоқи блан Америка Қўшма Штатлари ўртасида делегациялар айирбошлашни кенгайтириш тарафдори эканлигини кўп марта ма'лум қилди. Министрлик Давлат Департаментининг АҚШ Ҳукумати ҳам ана шундай айирбошлашни кучайтиришдан манфаатдор эканлиги тўғрисидаги баёнотини мамнуният блан қайд қилади.

Совет Ҳукумати АҚШ Ҳукуматининг, ҳар иккала томон учун кўпроқ самарали бўлишига эришиш мақсадида ҳарбир конкрет ҳолда делегациялар айирбошлаш программасини ишлаб чиқиш, делегациялар айирбошланган вақтда эса ўзаро ҳамжиҳатлик принципига амал қилиш мақсадга мувофиқдир, деган фикрига қўшилади. Шу блан бирга, делегациялар айирбошлашни амалга ошириш вақтида делегациялар айирбошлаш учун тайёргарлик кўришда узоқ муддат талаб этилмаслиги каби ҳоллар бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, Совет Ҳукумати бундай ҳолларда делегацияларнинг сафарга чиқишни Меморандумда кўрсатилганидан қисқароқ муддатларда расмийлаштириш мақбул, деб ҳисоблайди.

Хусусий кишиларнинг якка-якка сафар қилиши тўғрисидаги масалага келганда Совет Ҳукуматининг фикрича, агар бундай сафарлар ўзаро ҳамжиҳатлик принципи асосида ва камситиш руҳидаги ҳарқандай чекловларсиз амалга ошириладиган бўлса кўпроқ яхши натижа бериши мумкин. Шу муносабат блан Америка томонидан берилган рухсатномаларни расмийлаштириш процедурасига э'тибор беришга тўғри келади. Ана шу процедура бармоқ изларини бостириб олишни ва махсус анкеталарга қўл қўйишни кўзда тутадики, бу эса, хусусий совет гражданларининг АҚШга яккаякка боришларига имкон бермайди.

Совет Ҳукуматининг фикрича, СССР блан АҚШ ўртасида маданият, фан ва техника соҳасида делегациялар айирбошлашни кенгайтириш, америка гражданларининг СССРга боришлари ва совет гражданларининг АҚШга боришлари совет ва америка халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатилишига ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига кўп даража ёрдам беради. Совет Ҳукумати умид билдириб айтадики, Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати хусусий совет гражданларининг АҚШга боришларини расмийлаштириш вақтида ўзаро ҳамжиҳатлик принципига амал қилади ва Америкага боришга рухсатномалар беришни расмийлаштириш процедурасини ўзгартириш учун зарур чоралар кўришни мумкин деб топади.

АҚШ Давлат Департаментининг медицина ва қишлоқ хўжалиги соҳасида делегациялар айирбошлаш программасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифига келганда, Министрлик бундай программани тайёрлаш мақбул деб ҳисоблайди ва бу масала юзасидан ҳамда маданият, энергетика, умумий овқатланиш соҳасида ва бошқа соҳаларда делегациялар айирбошлаш масаласи юзасидан ҳам музокаралар бошлашга тайёрдир». (ТАСС).

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ

ВЕНА, 13 февраль. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариатининг бюллетенида хабар берилишича, шу йил апрель ойининг бошида Жаҳон Тинчлик Кенгашининг фавқулодда сессияси бўлади. Бу сессия қуролсизланиш ва атом қуролини тақиқлаш проблемасига бағишланади.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши, дейилади бюллетенда, қуролсизланиш йўлида муваффақият қозонишга қаратилган ҳарқандай таклифни ўрганиш ва муҳокама қилишга тайёрдир. Жаҳон Тинчлик Кенгаши ана шундай таклифни қўйиш вақти келди, бу таклиф фойдали, уни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблаётган барча ташкилотлар ва кишилар блан ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Фавқулодда сессиянинг моҳияти ана шундай. Хилма-хил миллий ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек машҳур ва му'табар кишилар бу сессияга чақирилди.

БЕЛЬГИЯ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БРЮССЕЛЬ, 13 февраль. (ТАСС). Кеча Брюссельда «Стадиум» биноси залида Бельгия тинчлик тарафдорлари Миллий конференциясининг охирги мажлиси бўлди.

Мажлисда мамлакатнинг ҳамма томонларидан келган уч ярим мингдан кўпроқ киши—аҳолининг турли табақалари вакиллари, турли сиёсий маслакдаги кишилар ҳозир бўлди.

Меҳмонлар орасида Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Франция, Польша, Германия Демократик Республикаси, Германия Федерал Республикаси, Италия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги тинчлик тарафдорларининг делегациялари бор эди.

Конференция қатнашчилари охирги мажлисда президиумнинг Бельгияда информацион марказ тузиш тўғрисидаги таклифини ма'қулладилар. Информацион марказ тинчликни ҳимоя қилучи маҳаллий комитетлар блан доимо алоқа қилиб туради ва тинчлик тарафдорларининг Бельгиядаги, шунингдек бошқа мамлакатлардаги фаолияти тўғрисида ахборот бериб туради.

Конференция тинчлик учун курашучи барча бельгиялиларга қарата мурожаат қабул қилди. Мурожаатда бундай дейилади: «Бутун дун'ёда мустаҳкам ва адолатли тинчликни та'минлайоладиган тадбирлар кўришни талаб этаётган овозлар баралла эшитилмоқда.

Бельгия жамоатчилигининг турли табақалари, сиёсий, касаба союз ва маданий ташкилотлар мамлакатимизнинг тинч истиқболи тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Ҳамманинг ҳоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга қаратилган барча тадбирларда актив қатнашиш ҳарбир гражданнинг ҳуқуқи ва бурчидир».

«Ҳозирги вақтда, —дейилади сўнгра мурожаатда,—кескинликни чинакам юмшаталиган асосий шарт—қуролсизланишдир».

Мажлис охирида Ҳиндистон, Франция, Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи тинчлик тарафдорларининг вакиллари конференция қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзлатилар.

Ҳозирги вақтда Брюссельда бўлган совет цирк артистлари кечқурун конференция қатнашчилари учун тамоша қўйиб бердилар. Тамоша ғоят муваффақият блан ўтди. Тинчликни ҳимоя қилиш иҳроия комитетининг а'зоси Хайбер совет артистларига ташаккур изҳор қилди. Совет артистларига гулдасталар тақдим қилинди.

ИНДОНЕЗИЯ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТУБИ

ПЕКИН, 14 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Индонезия тинчлик тарафдорлари миллий комитети икки кунга Жакартага келган БМТ бош секретари Хаммаршельдга мактуб юборибди, уни тинчликни та'минлаш ва БМТга ишончни кучайтириш чораларини кўришга чақиргган.

Комитет ўз мактубида, ялпи қуролсизланишни тезлаштириш ва ядро қуролини тақиқлаш, БМТнинг составини ўзгартириш, уни реал аҳволга мувофиқ бўлган ҳолга келтириш, Осиё ва Африка мамлакатлари Бандунг конференцияси қарорларини амалга ошириш чораларини кўриш зарур, деб уқтириб ўтади.

УМУМ ПАЛАТАСИДА ИДЕННИНГ БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 14 февраль. (ТАСС). Англия бош министри Антони Иден кеча кечқурун умум палатасида ўзининг Вашингтонда АҚШ президенти Эйзенхауэр блан олиб борган музокаралари тўғрисида ахборот берди.

Рейтер агентлигининг хабаридан ма'лум бўлишича, Иден Англия блан Американинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига нисбатан мўлжаллаган тадбирларига алоҳида э'тибор берган.

Иденнинг айтишича, Англия ва АҚШ ҳукуматлари бу райондаги аҳволга «асосий э'тиборни бермоқдалар». Иден Вашингтон музокараларида қатнашган мамлакатларнинг шу музокараларда муҳокама қилинган тадбирларни, я'ни Яқин ва Ўрта Шарқдаги тадбирларни та'рифлаб, «бу тадбирлар АҚШ ва Англия ҳукуматлари томонидан биргаликда кўрилади» деб уқтириб ўтган. БМТ дан ташқари ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари иштирокисиз белгиланган бу сепарат тадбирлар, Иденнинг айтишича қараганда, «махфий тартибда» амалга оширилиши лозим.

Иден «бу районда Исроил блан унинг қўшнилари бўлган араблар ўртасидаги жанжал мураккаблиги ва кечиктириб бўлмаслиги жиҳатидан биринчи ўринда турибди» деб уқтириб, Англия блан Американинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги ўзбошимча ҳаракатларини уч мамлакат — АҚШ, Англия ва Франциянинг 1950 йилдаги декларацияси блан оқлашга уринган.

Сўнгра Иден Бағдод ҳарбий пактига тўхталган. Ма'лумки, бу пактнинг тузилиши Яқин ва Ўрта Шарқда кескинликни кучайтиришга сабаб бўлди. Иден, «бағдод пакти устида Англия блан АҚШ ўртасида ихтилофлар борлиги ҳақидаги хабарлар асоссиздир» деган.

Шу блан бирга Иден ўзи блан президент Эйзенхауэр ўртасида«Ўзоқ Шарқ сиёсати устида ба'зи ихтилофлар бўлди» деб иқрор бўлган. Иден бу масалани муҳокама қилиш натижаларига тўхталиб, бундай деган: «Биз ўз позициямиздан қайтмадик, ва Қўшма Штатлар ўз позициясини ўзгартири деб ва'до қилиш нотўғри бўлур эди». Брок. Иден «Хитой блан савдо-сотиқда стратегик материаллар устидан контроль қилиб туриш масаласи ҳозир қайтадан кўриб чиқилади» деган.

Сўнгра Иден герман масаласида инглиз-америка пропагандасининг эски тезисларини такрорлаб, «биз мудофаа харажатларини иттифоқчилар ўртасида баравар кўтариш ва бу оғирликларни баравар тақсимлаш принципи ҳақида келишдик» деган. Шу блан бирга Иден Ғарбий Германияга ғарб давлатлари қўшинларини бўқиш учун ГФР ҳукумати ҳақ тўлашни истамаётганлиги муносабати блан юз берган ихтилофларни четлаб ўтган, «бу масала юзасидан Германия Федерал Республикаси блан музокаралар олиб борилмоқда» дейиш блан чекланган.

ПЕКИНДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ПЕКИН, 14 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Хитой Коммунистик партияси Марказий комитетининг бирлашган фронт масалалари блан шуғулланучи бўлими кеча Хитойдаги турли демократик партияларнинг а'золари ва партиясиз демократлар шарафига қабул маросими ўтказди.

Мингдан ортиқ киши қатнашган қабул маросимида ХКП Марказий комитетининг раиси Мао Цзэ-дун, Марказий комитетнинг секретарлари Лю Шао-ци, Чжоу Энь-лай ва Коммунистик партиянинг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

ПОЛЬША БЛАН ПОРТУГАЛИЯ ЎРТАСИДА САВДО БИТИМИ

ВАРШАВА, 13 февраль. (ТАСС). Кеча Варшавада Польша миллий банки блан Португалия банки 1956 йилда товар оборота ва тўловлар тўғрисида Польша блан Португалия ўртасида тузилган битимни дастлаб имзоладилар.

Битимда кўрсатилишича Польшадан Португалияга машина ва ускуналар, шу жумладан темир йўл ускуналари, станоклар, электр машиналари, тракторлар, енгил автомобильлар ва юк автомобильлари, шунингдек прокат, кўмир ва бошқа товарлар чиқарилади.

Португалия Польшага суперфосфат, маккажўхори, жун, кофе, какао, мева ва бошқа товарлар етказиб беради. Бу— Польша блан Португалия ўртасида урушдан кейинги даврда тузилган биринчи битимдир.

АМРИТСАРДА «АҚАЛИ ДАЛ» ПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АМРИТСАР, 12 февраль. (ТАСС). 11 февральда Амритсарда сикхлар партияси «Акали дал» ва Маха Панжоб (Буюк Панжоб) штатини тузиш комитетининг конференцияси очилди. «Акали дал» конференциясида бу партиянинг раҳбарлари, шу жумладан Тара Синг ҳукуматга кескин суратда қарши бўлган руҳда нутқ сўзладилар.

Шуни айтиш керакки, Амритсарга келган америка ва инглиз мухбирлари бу конференцияга ғоят қизиқиб қарамоқдалар. Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг Амритсарда ўтказилган 61-нчи с'ездининг кечаги мажлисида америка ва инглиз мухбирлари йўқ эди дейиш мумкин. Бу мухбирларнинг ҳаммаси «Акали дал» конференциясига жўнаб кетганлар.

Маҳаллий журналистлар доираларида айтилишича, америка ва инглиз мухбирлари ўз хабарларида «Акали дал» конференциясининг аҳамиятини бўртдириб кўрсатиб, Ҳиндистон ҳукуматининг обрўсини туширишга уринмоқдалар.

Узбекистон ССР маданият арбоблари делегацияси Ҳиндистондан жўнаб кетди

ДЕҲЛИ, 13 февраль. (ТАСС). Пресс траст оф Индиа агентлиги билдиради: Ўзбекистон ССР маданият арбоблари делегацияси Ҳиндистонда олти ҳафта бўлганидан кейин бугун ватанига қайтатуриб Кобилга жўнаб кетди. Делегация Ҳиндистонда бўлган вақтида мамлакат бўйлаб саёҳат қилди, Деҳлида, Лакнауда, Ҳайдарободда, Бомбайда, Калькуттада ва Мадорасда бўлди.

Делегация Бирмага ҳам борди. Делегация Бирма ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Бирмада икки ҳафта бўлди.

Кобилда «Дўстона Афғонистонда» фильми кўрсатилди ва «СССРда спорт» фотовиставкаси очилди

КОБИЛ, 14 февраль. (ТАСС). «Ислоҳ» ва «Анис» газеталари ҳозирги вақтда Кобилда кўрсатилаётган «Дўстона Афғонистонда» номли совет фильми тўғрисида мақолалар босиб чиқардилар. Газеталарда фильмнинг мазмуни қисқача баён қилинади, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг нутқларидан парчалар келтирилади, шунингдек фильмга ёзилган диктор текстидан СССР блан Афғонистон ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланаётганлиги тўғрисида, афғон халқининг мустамлакачиларга қарши, ўз мустақиллиги учун олиб борган кураши тўғрисида цитаталар келтирилади.

«Ҳабибия» лицейи залида «СССРда спорт» фотовиставкаси очилди.

Болгария Югославиянинг парламент делегациясини таклиф қилди

СОФИЯ, 13 февраль. (ТАСС). Газеталарнинг билдиришича қараганда, Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси Болгарияга парламент делегацияси юборишни сўраб Югославия Федератив Халқ Республикасининг Иттифоқ Халқ скупшчинасига таклифнома юборган. Иттифоқ Халқ скупшчинаси таклифни қабул қилган ҳамда Югославия Халқ скупшчинаси бу таклифни қабул қилганлигини ва Югославия парламент делегацияси шу йил март ойида Болгарияга келажагини билдирган.

Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия ва ГДР ўртасида авиация соҳасида ҳамкорлик

СОФИЯ, 13 февраль. (ТАСС). 7 февральдан 12 февральгача Софияда Болгария, Венгрия, Чехословакия, Польша, Руминия ва Германия Демократик Республикаси граждан ҳаво флоти раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари халқаро ҳаво йўлларидан биргаликда фойдаланиш самарали натижалар берганлигини та'кидладилар. Кенгаш самолётларнинг ёзги учиш планини қабул қилди ҳамда пассажирлар, юк ва почта ташишни янада яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни мувофиқлаштирди.

Покистонда қамоққа олишлар

КОБИЛ, 14 февраль. (ТАСС). Бахтар агентлигининг хабарига қараганда, Покистон полицияси пуштунлар ўртасидаги миллий-озодлик ҳаракатининг кўзга кўринган арбобларини, шу жумладан Абдул Самадхонни ва Абдул Ғаффорхонни қамоққа олган.

Италия аҳолисининг сони

РИМ, 14 февраль. (ТАСС). АНСА агентлиги берган хабарга қараганда, Италиянинг аҳолиси 1955 йил 1 январьда 48.768.826 кишидан иборат бўлган.

ОЛЕГ ГОНЧАРЕНКО — КОНЬКИДА ЮГУРИШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Конькида югуриш бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари тугади

ОСЛО, 12 февраль. (ТАСС). Кундуз куни 10.000 метр масофага мусобақа ўтказилди. Бу масофага югуришда жаҳон чемпиони олтин медалини 16 минуту 43,3 секунд вақт блан норвеж спортчиси Т. Сейерстен олди; иккинчи ўринни 16 минуту 47,7 секунд вақт блан О. Гончаренко (СССР) олди, учинчи ўринни 16 минуту 49,7 секунд вақт блан К. Юханнессен (Норвегия) эгаллади.

Икки кун давом этган мусобақалар натижасида тўрт масофанинг ҳаммасига бўлган мусобақаларда олинган очколар сони бўйича биринчи ўринни ва жаҳон чемпиони номини 188,255 очко блан О. Гончаренко (СССР) олди. Иккинчи ўринни 188,297 очко блан Р. Меркулов (СССР) ва учинчи ўринни 188,660 очко блан Е. Гришин (СССР) олди.

Бундан кейинги ўринларни 188,688 очко блан Т. Сейерстен (Норвегия), 189,122 очко блан Б. Шилков (СССР), 189,777 очко блан С. Эриксон, (Швеция, 1955 йилги жаҳон чемпиони), 190,333 очко блан Ю. Михайлов (СССР), 190,495 очко блан С. Хаугли (Норвегия), 191.305 очко блан А. Кайдалов (СССР) олдилар.

Мусобақалар тамом бўлганидан кейин О. Гончаренкога жаҳон чемпиони ғулчамбари тақдим этилди. Стадион марказига ўрнатилган мачтага СССР Давлат байроғи кўтарилади ва Совет Иттифоқи давлат гимни ижро этилади. Тамошабинлар қизғин табриклаган ҳолда Гончаренко бир марта стадионни айланиб чиқади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Р. 00641 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № — 1373.